

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛҚАРО ОГАҲИЙШУНОСЛАР КЕНГАШИ**

**ҲИЛОЛА НАЗИРОВА**

**ХОНЛАР АЛҚАГАН  
МУАРРИХ**

**Тошкент - 2021**

Мазкур рисола ўзбек мумтоз адабиётининг йирик дарғаларидан бири Муҳаммадризо Огаҳий (1809–1874) ҳаёти ва ижодига бағишланади. Огаҳий давлат арбоби, шоир, муаррих ва йирик таржимон сифатида улкан маънавий мерос қолдирган. Китобда адиб яшаган давр, таржимаи ҳоли, мироблик мансаби, таржимонлик ва муаррихлик фаолиятига доир янги маълумотлар келтирилган. Унинг девон, таржима ва тарихий асарларининг қўлёзмалари ҳақида нусхалари йиғилиб, уларга оид илмий таҳлиллар берилган. Китоб шарқшунос, филолог, тарихчилар ва юртимиз тарихига қизиққан кенг омма ўқувчиларига мўлжалланган.

*Китоб муқовасига Россия Миллий кутубхонаси, Шарқ қўлёзмалари бўлимида ТНС-22 рақамли Муҳаммадризо Огаҳийнинг “Зубдат ут-таворих” асари; ЎзР ФАШИ асосий фонdda сақланадиган 7011 Баёзи мутафарриқа ва Таъвез ул-ошиқин асарларидан нусхалар қўйилган.*

**Масъул муҳаррир:**  
**т.ф.д. Бахтиёр Бобожонов**

**Такризчилар:**  
**ф.ф.д., проф. Қудратулла Омонов**  
**т.ф.н. Нурёғди Тошев**

Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг 2021 йил 25 мартдаги 8-сонли мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшуносли институти Илмий кенгашининг 2021 йил 30 апрелдаги 5-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Назирова Ҳилова, 2021 йил.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2021 йил.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	4
Кириш .....	6
Шартли қисқартмалар .....	9
I. Муҳаммадризо Огаҳий яшаган давр .....	11
II. Муҳаммадризо Огаҳий ҳаёти ва фаолияти .....	24
III. Огаҳийнинг таржима мероси .....	36
IV. Огаҳийнинг тарихий асарлари .....	45
Хулоса .....	53
Норматив ҳужжатлар, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	54
Иловалар .....	71

## СЎЗБОШИ

Глобаллашув жараёнлари тез суръатлар билан кечаётган ҳозирги дамларда ёшларни озод руҳли, эркин фикрли, адолатли, холис, дунёқараши кенг, билимли қилиб тарбиялаш масаласи мамлакатимиз маърифий ва маънавий тараққиётининг янги босқичдаги устувор йўли сифатида бўй кўрсатмоқда. Бу устувор ва янги йўл билим билан, адабиёт билан, китобхонлик билан боғлиқ.

Бундан бир йилча муқаддам Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси олдида мумтоз адабиётимизнинг фавқуллода нодир шахси, кўламдор ва сермаҳсул ижодкор, шоир, тарихчи, таржимон, давлат арбоби ҳазрат Огаҳийини ҳаёт ва ижод йўлини ўрганиш, у зотнинг кўлёзма асарларини тадқиқ этиш ҳамда ўлмас ғояларини талаба-ёшлар онгига сингдириш вазифаси қўйилди.

Ана шу вазифалар ижросидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздаги Огаҳий мероси бўйича тадқиқот ишларини олиб бораётган олим ва тадқиқотчиларнинг бошини бир ерга қовиштириш ва уларнинг илмий ишларини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик университетида “Халқаро Огаҳийшунослар кенгаши” ташкил этилган эди. Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири сифатида Огаҳий асарларини бирламчи манбалардан тадқиқ этиш вазифаси қўйилди.

Ушбу мўъжаз китобда ҳам айнан ҳазрат Огаҳийнинг кўлёмалари асосида унинг ҳаёт йўли, давлат арбоби сифатидаги фаолияти таржимонлик қирраси ҳамда тарихчи ўлароқ хизматлари янги далиллар асосида ёритилган. Китоб муаллифи Ҳилола Назирова Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими бўлиш билан қаторда истеъдодли олима сифатида Халқаро Огаҳийшунослар кенгашининг илмий қотибаси вазифасини ҳам бажариб келмоқда. У узоқ йиллардан буён Огаҳийнинг тарихнавислик фаолияти билан шуғулланиб келади. Шунингдек, Ҳилола Огаҳийнинг “Зубдатут-таворих” (Тарихларнинг сараси) асарини ҳам нашр эттирган. Унинг Огаҳий шахсияти ва ижодига меҳри ва муҳаббати бўлакча. Шундан бўлса керак, унинг Огаҳий ҳақида ёзган ҳар бир сатрида шу меҳрни, илиқликни ҳис этасиз.

Қўлингиздаги китобни ўқиш давомида Огаҳий ва у яшаган давр ҳақида кўплаб янги маълумотларга дуч келасиз XIX юзйил-

лик билан боғлиқ фикрларингиз ўзгаради. Асосийси, ҳазрат Огаҳий шахсиятига доир билимларингиз янгиланади. Умид қиламизки, Ҳилола Назированинг ушбу китоби унинг кейинги катта тадқиқотлари ва китобларининг бошланиш нуқтаси сифатида ўзбек огаҳийшунослигида муносиб ўрин эгаллайди.

*Тошкент давлат шарқшунослик университети  
қошидаги Халқаро Огаҳийшунослар кенгаши раиси,  
филология фанлари доктори, профессор*  
**Қудратулла Омонов**

## КИРИШ

*Кўнгил бир баҳри заххор андадур покиза гавҳар сўз,  
Вале шарт улки маъни шоҳидига бўлса зевар сўз.  
“Таъвиз ул-ошиқин” девонидан*

Кўлингизда мазкур рисолада Муҳаммадризо мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир айрим янги маълумотлар тўпланган ва таҳлил қилинган. Мадраса таълимини олган Муҳаммадризо амакизодаси, устози Шермуҳаммад Мунис мироб теварагидан кетмасди. Юзлар уруғи, мироблар сулоласи давомчилари кўп эди, аммо кўнғирот хонларига қалам кучини кўрсата олган Огаҳий бўлди. Унинг қалами ёзишдан тўхтамас, сиёҳи ҳеч қуриб қолмасди. Шунданми, Мунис бошлаган “Фирдавс ул-иқбол” асарини якунига етказишни шахзода Раҳимқули отаси Аллоҳқулихонни кўндириб, унга инонди. Муаррихлик пиллапоясига қадам қўйган адиб умрининг сўнггига қадар адабиёт гулшанининг турфа гуллари билан хонлар тарихини беади. Унинг шоирлик маҳорати адабиётшунос, матншунослар томонидан кенг қамровда ўрганилган ҳолда, ҳали якуний нуқта-сига етгани йўқ. Рисолада адибнинг таржимонлик соҳасидаги залворли хизматлари ва муаррихлик йўналишида миллат маърифий ҳаётига қўшган салмоқдор мероси – қўлёзмалар тадқиқ ва таҳлил қилинган. Ҳозирги кунга келиб, Муҳаммадризо Огаҳийнинг шоир, таржимон ва муаррихлик маҳсули бўлган асарларининг 78 қўлёзмаси қайд қилинди. Унга нисбат берилган таржималарга аниқлик киритилди ва тарихий асарлари қўлёзмаларининг янги нусхалари тадқиқ этилди. Шоир дастхатида битилган баёзлари ҳали унинг тўла асарлар рўйхатига киритилмади. Ваҳоланки, улар ижодкорнинг ўзига хос эстетик қарашларини акс эттирувчи гўзал адабий-бадиий ижод намуналардир. Шунга қарамай, асарларининг сайланма, таржима ва илмий-танқидий матнлари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани қувонарли воқеадир.

Дейдиларки, ёшликда олган илм тошга ўйилган нақшдир. 1990–2000 йилларга қадар Тошкент шаҳри, Ҳамза (ҳозирги Яшнобод) туманида жойлашган 216-сонли мактабда таҳсил олганман. Ва ҳар йили ўқувчилик дафтарларим муқовасига «Му-

хаммадризо Огаҳий номидаги 216-мактаб фалон синф ўқувчиси Назирова Ҳилоланинг *фалон* фан бўйича дафтари», деган ёзувни 9 йил давомида қайд этиб келганман. Не ажабки, дафтар пешонасига битилган адибнинг исми менинг “файзи илоҳий” қисматим экан. Ўтмиш аждодларимиздан бирор адибнинг маънавий меросини чуқур англаш ва ўрганиш учун форс, араб ва туркий тилларни билиш, уларга тарих оҳангини уйғунлаштириш лозим бўлади. Шу мақсадда Тошкент давлат шарқшунослик олий ўқув юртининг Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасида таҳсилни давом эттирдим. Ва Огаҳийнинг энг кўп қўлёмалари сақланадиган фонд – Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга кирдим. Адибнинг Тошкент нусхаларини ўрганиш давомида бевосита унинг Санкт-Петербург қўлёмалари билан танишиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Кейинчалик, қўлёмаларни тўғридан-тўғри аслиятдан ўрганиш учун Герда Хенкел фонди (Gerda Henkel Stiftung) молиявий қўллаб-қувватлаш билан Санкт-Петербургга илмий сафар амалга оширилди.

2020 йил 20 майдан Тошкент давлат шарқшунослик университети қошидаги Халқаро Огаҳийшунослар кенгаши илмий котиблигига тавсия этилдим. Ушбу рисола устозларим менга берган илм ва таълимни озми кўпми оқлашга хизмат қилишидан умидворман. Яқинларим ва ҳамкасбларимнинг қўллаб-қувватлаши натижаси ўлароқ, бу яратик қўлингиздадир. Арабу форс мумтоз адабиёти дурдоналарини турк дунёсига олиб кирган адибнинг таржима ва тарихий асарлари орқали ўзликни англаш йўлига кириб қолганим, адиб кўмагида тириклик ва дунё ғаройиботларига дуч кела бошлаганим... менимча, Бахтнинг бир кўриниши бўлса керак. Китобни ўқувчиларга тақдим этиш ва таҳрир ишларида кўмак берган Ўзбекистон Фанлар академияси Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими Абдусаттор Жуманазарга самимий миннатдорлик билдираман.

Муҳаммадризо Огаҳий меросининг ҳали очилмаган ва ёритилмаган қирралари кўп, келажакда яна кўплаб манбаларни тадқиқ қиладиган ёш шарқшунослар етишиб чиқиб, огаҳийшунослик йўналишига ўз хиссаларини қўшарлар. Халқаро Огаҳийшунослар кенгаши ҳам аслида худди шундай мақсадда тузилган. Китобда

йўл қўйилган камчилик ва хатолар учун муаллиф масъулдир ва келгусида уларни бартараф қилишда азиз ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари биз учун муҳимдир.

Ушбу рисоламни буюк эҳтиром ила илм йўлидаги машаққатларни енгиб ўтишда ҳамиша ёнимда турган турмуш ўртоғим Ёлқин Абдумажидов, ҳар томонлама менга руҳий мадад бўлган қайнотам Абдумалик Абдумажидов ва онамдек меҳрибон қайнонам Шоҳиста Абдумажидоваларга бағишлайман.

**Ҳилола Назирова,**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Шарқшунослик институти кичик илмий ходими,  
Тошкент давлат шарқшунослик университети қошидаги  
Халқаро Огаҳийшунослар кенгаши илмий котиби.  
Май 2021 йил

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Agahi, Jami al-vaqi'at-i sultani - Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami' al-vaqi'at-i sultani / Ed. in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. – Samarqand-Tashkent, 2012.

Дмитриева – Дмитриева Л. В. Каталог тюркских рукописей Института Востоковедения Российской академии наук. – Москва, 2002.

Зубдат, матн – Muhammad Riza Mirab Agahi. Zubdat Al-Tavarikh / Edited in the original Central Asian Türkī with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. – Tashkent–Samarkand, 2016.

Муниров – Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII-XIX ва XX аср бошлари). – Тошкент, 2002.

Мунис-Огаҳий, матн - Mūnis Shīr Muḥammad Mīrāb and Āgahī Muḥammad Rizā Mīrāb, Firdaws al-iqbāl: History of Khorezm/ ed. by Yu. Bregel. – Leiden, 1988.

Мунис-Огаҳий, таржима - Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab, Firdaws al-iqbāl: History of Khorezm/ Transl. from Chaghatay and annotated by Yu. Bregel. – Leiden, 1999.

ОАТ - Огаҳий асарларининг тавсифи (Каталог)/ Тузувчи Ф. Ганихўжаев. – Тошкент, 1986.

Огаҳий, девон – Муҳаммадризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин девон. ЎЗР ФАШИ-1. Қўлёзма 7443.

ОТР, I – Дмитриева Л. В., Мугинов А. М., Муратов С. Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. Под ред. А. Н. Кононова. – Москва, 1965. – Т. I.

РМК – Россия Миллий кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари бўлими.

РФА ШҚИ – Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти.

СВР, I – Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог)/ Под. ред и при участии докт. Ист. Наук, проф. Семёнова А. А. – Ташкент, 1952 – Т. I.

СВР, III – Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог)/ Под. ред и при участии докт. Ист. Наук, проф. Семёнова А. А. – Ташкент, 1955 – Т. III.

СВР, V – Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог)/ Под. ред и при участии докт. Ист. Наук, проф. Семёнова А. А. – Ташкент, 1960. – Т. V.

СВР, VII – Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог)/ Под ред. и при участии канд. ист. наук. Урунбаева А. и канд. филол. наук. Епифановой Л. – Ташкент, 1964. – Т. VII.

СВР. История – Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История/ Составители: Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. – Ташкент, 1998.

Смирнов – Смирнов В. Д. Описание коллекции восточных рукописей // Отчет Императорской Публичной библиотеки за 1874 год. – СПб., 1875.

Туркия, фонд – Истанбул университетининг нодир кўлёмалар кутубхонаси.

ЎЗР ФАШИ-1 – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фонди.

ЎЗР ФАШИ-3– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фонди.

Финландия – Финландия, Хелсинки шаҳри “Шарқ кўлёмалари” коллекцияси.

Фирдавс ул-икбол, табдил – Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари Воҳидов Ш., Бекчанов И., Полвонов Н. – Тошкент, 2010.

# I

## МУҲАММАДРИЗО ОГАҲИЙ ЯШАГАН ДАВР

XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларида Марказий Осиё сиёсий жанглари қаторида қаламлар беллашуви майдони ҳам айланган эди. Бу даврда минтақанинг сиёсий маконида учта мустақил ўзбек давлати (хонлиги) – Бухорода манғитлар<sup>1</sup> (1756–1920), Хоразмда қўнғиротлар (1804–1920), Фарғонада минглар<sup>2</sup> (1776–1876) сулолалари ҳукмронлиги вужудга келди. (Қўқон хонлиги де факто XVIII асрнинг бошларидан мустақил бошқарилган).

Бу сулолаларнинг бирортаси чингизий эмасди. Ўша давр сиёсий анъаналарига кўра, тахтга даъво қилишга уларнинг ҳуқуқи йўқ эди. Илмий ва юридик тилда “легитимация” деб аталадиган бу атама дунё тарихнавислигида доимий мурожаат қилинувчи масаладир.

Қадимий Туронда Чингизийлар ҳукмронлиги (XIII аср биринчи чораги) ўрнатилгач, бу юрт ҳукмдорлари одатда Чингизхон авлодидан бўлиши урфга айланганди. Шу сабабдан кейинги даврларда ҳокимият тепасига келаётган янги ҳукмдор сулолалар ҳокимиятларини легитимлаштириш (қонунлаштириш) учун ҳуқуқий асос ахтарарди. Барча сулолалар тарихида ҳокимиятни қонунлаштириш жараёнида сиёсий, шажаравий ва шариат омилларидан фойдаланишга уруниш кузатилади.

<sup>1</sup>Манғитларнинг Бухородаги генеалогик, диний ва электорал легитимация (сиёсий қонунлаштириш) жараёнлари мавзусида немис олимаси Анке фон Кюгельген махсус тадқиқот амалга оширган. У китобида Ўрта Осиёдаги ўзбек сулолаларига хос бўлган легитимациянинг олти турини кўрсатади (Легитимация Среднеазиатской династии Мангытов в произведениях историков (XVIII–XIX вв). – Алматы, 2004. – С. 53-58).

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Бахтиёр Бобожонов ҳам Қўқонда минглар истифода этган легитимация воситалари ҳақида ёзган эди (Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Ташкент–Токио, 2010. – С. 116, 198, 306, 307, 676-677).

<sup>2</sup> Б. Бобожонов фиркича, минглар сулоласи ҳукмронлиги уларнинг танга зарб қилишлари, Қўқон хонлигининг Бухородан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақиллика эришиши давридан бошланган (Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – С. 101); В. Бартольд минглар ҳукмронлиги даврини 1810 йилдан бошлашни таклиф қилган (Узбецкие ханства // История культурной жизни Туркестана. Сочинения. Т. II, часть 1. – Москва, 1963. – С. 286).

Зикр этилган ҳукмдор уч сулола (Хоразм, Бухоро, Қўқон) вакиллари ҳам фақат Чингизхон қони бор шахслар тахтга ҳақли эканини эътироф этишган. Аммо айна пайтда, саййидлик генеалогияси (исломий олий насаб, ўзининг келиб чиқишини Расулуллоҳга етказиш) ҳам тахтни эгаллашга кўмак берган. Шу икки ижтимоий сифатлари бор тахтга даъвогарнинг иши анча осонлашган. Бу олий ўринни эгаллаган ҳукмдорлар уларнинг давлатда олиб борган сиёсати, ижтимоий ҳаётда амалга оширган ишларига қараб, «соҳибқирон», «олам паноҳи», «миллат ва дин таянчи», «мискинлар ҳимоячиси» каби турли сифатлар билан шарафланган.

Ҳукмдор сулолалар алмашуви, ҳокимиятни минтақада қонунлаштириш воқеаларида тарихнавислар ҳам албатта, фаол иштирок этган. Кўпинча ҳокимият тепасига келган ҳукмрон сулоланинг бу олий мақомда мустаҳкам ўрнашиб қолишида уларнинг хизмати катта бўлган.

Қўнғиротлар сулоласи манбаларда «Хоразм мамлакати»<sup>1</sup> ва илмий адабиётларда «Хива хонлиги» дея юритилаётган ҳудудда,<sup>2</sup>

<sup>1</sup> «Хива хонлиги» атамаси бизга Ғарб адабиётидан ўтган. Хоразм солномаларининг тамал тошини қўйган Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммадризо Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарида «Хоразм мамолики», «давлати», «мулки», «дор ал-хилофаи Хоразм» сўзлари ишлатилган (Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари Воҳидов Ш., Бекчанов И., Полвонов Н. – Тошкент, 2010. – Б. 3-4, 7, 28, 154, 227, 229, 375, 428).

Муҳаммадюсуф Баёнийнинг “Шажарайи хоразмшохий” асарида «Хоразм ери», «Хоразм мамолики» каби иборалар қўлланган (ЎЗР ФАШИ-1, № 9596. – В. 2<sup>б</sup>, 257<sup>б</sup>, 263<sup>а</sup>, 264<sup>б</sup>).

<sup>2</sup> Хоразм давлати маъмурий бошқарув тизимида асосий беш қалъа, туман – Ҳазорасп, Хонқа, Янги Урганч, Хивак, Гурлан бўлган. Хива шаҳри пойтахт эди. Чет эллик саёҳатчилар Хоразм давлатини шу шаҳар номи билан аташган (Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab, Firdaws al-iqbāl: History of Khorezm/ Transl. from Chaghatay and annotated by Yu. Bregel. Leiden, 1999. – P. ix, 5-ҳавола). Бундан кейин, Мунис-Огаҳий, таржима.

Эрон элчилари Муҳаммад Алихон Ғафур ва Ризоқулихон Ҳидоят 1842 ва 1851 йиллари Хивага келади ва бу ерларни «Хоразм мамлакати» деб таърифлайди (Муҳаммадшох Қожор ва Оллоқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1842йил) / Хоразм сафари кундаликлари. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов, форс тилидан таржимон И. Бекжонов. – Б. 13-52; Сафоратномаи Хоразм (Носириддиншох ва Муҳаммад Аминхон

*де-факто* Муҳаммадамин иноқлиги<sup>1</sup> (1762–1791) ва *де-юре* Элтузар иноқ (1804–1806) “хон” титулини қабул қилганидан бошланган.

Қўнғиротлар сулоласи шаклланиши ва юксалиши мураккаб тарихий йўлни босиб ўтган. Амир Темур давридан чингизийлардан бирини ҳокимият тепасига “хон” кўтариш анъанасига Хоразмда (XVII аср охири, XVIII асрнинг биринчи ярми) ҳам амал қилинарди. Бу ҳодиса қозоқ уруғларидан келтирилган чингизий қонига эга сохта хонларни тахтга ўтказиш анъанасида кузатилади. Тадқиқотчи Г. Снесарев таъкидлашича, Хоразмда ҳукмронлик қилиш учун ўзбек қабилалари – манғитлар<sup>2</sup> ва қўнғиротлар<sup>3</sup> ўртасида муттасил кураш борган. Охир-оқибатда қўнғиротлар қудратли душманлари манғитлар устидан устунликка эришиб, уларни иноқлик (регентлик) институтига бўйсундирган ва минтақада тўла назорат ўрнатган. Қўнғиротлар ичида энг нуфузли иноқ Муҳаммадамин бўлди. У айниқса, ёвмуд туркманларининг Хивага қилган ҳужумини бостирганидан кейин мамлакатнинг ҳақиқий ҳукмдорига айланганди. Натижада, унинг ҳокимиятини барча ўзбек ва туркман қабилалари етакчилари тан олди. Бироқ Муҳаммадамин мавжуд сиёсий анъаналарга қарши боришга журъат этмади ва аввалдагидек, иноқ унвони даражасида қолаверди. У қозоқ чўлларида бирор чингизий шахсни келтириб, тахтга ўтқазарди. Манбаларда бундай ҳукмдорлик анъанаси *хонбозий* (хон қўйиш ўйини) деб аталган<sup>4</sup>. Аҳвол

ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1851 йил) /Хоразм сафари кундаликлари. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов, форс тилидан таржимон И. Бекжонов – Тошкент, 2009. – Б. 53-231. – Б. 235).

<sup>1</sup> Илмий адабиётларда 1763 йил берилади. Биз Шермуҳаммад Мунис кўрсатган хижрий 1175 санага (м. 1762) асосландик (Мунис-Огаҳий, таржима. – Б. 98).

<sup>2</sup>Снесарев Г. Объяснительная записка к «Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области (конец XIX – начало XX в)/ Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. Т.А. Жданко, К.Ш. Шаниязов (отв. ред.) – Москва, 1975. – С. 83.

<sup>3</sup> Ўша мақола. – С. 84.

<sup>4</sup>Schefer Ch. Histoire de l'Asie Centrale par Mir Abdoul Kerim Boukhary – Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand depuis les dernières années du règne de Nadir Chah, 1153, jusqu'en 1233 de l'hègire, 1740-1818 A.D., Texte persan, publié d'après un manuscrit unique, avec une traduction française. Texte persan.

баъзида хонни тахтга бир неча соатгагина ўтказиш даражага бориб етганди<sup>1</sup>. Шундай қилиб, иноқлар “қўғирчоқ хонлар”ни ўз хоҳишларига кўра, сиёсий стратегия ёки яқин ва узоқдаги кучлар нисбатини эътиборга олиб ўзгартирар эдилар. Бундай хонлар аслида ҳеч қандай сиёсий кучга эга эмасди. Бироқ сохта хонлар авлодларини тахтга ўтказиш анъанаси давом этаверди. Афтидан, бу хонларнинг Хива тахтига «даъвоси» Россия салтанати стратегияси томонидан хонликка қарши ўз юришларини оқлаш мақсадида қўллаб-қувватланган. Бу ҳолат империя вақтли матбуотида ҳам ёритилиб борган<sup>2</sup>.

Ҳар қандай сулола ҳокимият тепасига келгач, ўз эгалик кучини намоён қилишга киришади. Қўнғиротлар сулоласи ҳам бундан мустасно эмас эди. Улар бу ишни муаррихлар орқали

Paris, 1876. P. – 79; Schefer Ch. Historie de l’Asie Centrale par Mir Abdoul Kerim Boukhary – Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand depuis les dernières années du règne de Nadir Chah, 1153, jusqu’en 1233 de l’hègire, 1740-1818 A.D., Traduction française. Paris, 1876. T. II. – P. 180. В. Бартольд ҳам қозоқ чўлларида чингизийлар авлодидан қисқа муддат тахтга ўтказиш ва унинг даъвоси кўпайиб кетса, бошқаси билан алмаштириш одати ҳақида ёзган (Работы по исторической географии. Хорезм. // Статьи из “Энциклопедии ислама” Сочинения. Т. III. – Москва, 1965. – С. 550).

<sup>1</sup> Бу қозоқ хон Абулхайрхоннинг (1717–1748) укаларидан бири бўлган. Жума куни оқ кигизда хон этиб кўтарилиб, жума намозидан сўнг сариқ айғир отидан йиқилиб тушган. Шу сабабдан уни Сариқ Айғирхон, деб аташган. Бу хон бир неча соатгина тахт тепасида бўлгани учун, унинг асл исми солномаларда ҳам қайд этилмаган. Mūnis Shīr Muḥammad Mīrāb and Āgahī Muḥammad Riḏā Mīrāb, Firdaws al-iqbāl: History of Khorezm/ ed. by Yu. Vregel. – Leiden, 1988. – P. 161 (бундан кейин: Мунис-Огаҳий, матн); Мунис-Огаҳий, таржима. – P. 62.

<sup>2</sup> Бу борада қозоқ хонларидан Султон Мендали Пиралиевнинг нашр этилган ёзишмалари қизиқарлидир. Уларда қўнғиротлар эски қоидаларни бузганликда айбланади. Мактубларда қўнғиротлар “оддий одам” (матнда “қора суяклар”) экани, чингизий ҳукмдорлардан эмаслиги айтилади (Первое письмо. О правах моихъ на хивинский престоль// Девять Хивинских писем Султана Мендали Пиралиева в редакцию “Русского мира”. Санкт-Петербург, 1873. – С. 10-12). Аслида Султон Мендали Пиралиев тахаллуси билан рус муаллифи В.В. Григорьев ижод қилган (Ремнев А.В. Султан Мендали Пиралиев: история одной мистификации // Вестник Кокшетауского университета имени Ш.Ш. Уалиханова. 2006. №3 (12). – С. 33–37).

амалга оширади. Муаррихлар асарлари ҳокимият тепасига келган янги сулоланинг сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга кўмаклашар эди.

Кўнғиротлар сулоласидан хон унвонини олган биринчи ҳукмдор Муҳаммадамин иноқнинг набираси Элтузар ҳокимиятни легитимлаштириш учун (сиёсий анъаналарга таяниб) бир қанча усулларни қўллаган. У ўша давр учун одатий ҳолат – Қипчоқ дашти чингизийларидан Бўлекей ибн Эралининг қизига уйланади<sup>1</sup> ва хонлик мансабига эришади. Шарқшунос Юрий Брегель (Yuri Bregel) (1925–2016) фикрича, Элтузар ҳижрий 1220 йили рабиъул-аввал ойининг 1-куни (1805 йил, 28 июнь) Кўнғирот шаҳрини қўлга киритиб, 1805 йили 14 июлда Хива шаҳрига қайтгач, кўнғиротлар сулоласи тарихини ёзишга буйруқ берган<sup>2</sup>. Машҳур тарихнавис Мунис тахаллуси ила шеърлар битган Шермуҳаммад ибн Авазбий мироб (1192–1244/1778–1829) бу вазифани бажаришга киришади. Бу ишни Мунис “муваффақиятли” адо этади. У “Фирдавс ул-икбол” асарида кўнғиротлар сулоласининг шажаравий дарахтини афсонавий Қалжидай хондан сулоланинг асосчиси Чингизхон хонадонига мансуб Ўмбой иноқ билан боғлайдиган фактларни келтиради. Аммо бу маълумотлар тарихий ҳақиқатга унчалик мос келмайди. Ўмбой иноқнинг Чингизийлар сулоласига мансублиги ҳатто, ҳозиргача ноаниқлигича қолмоқда. Кўнғиротлар чингизийлар билан қондошлигига оид тарих ҳам шу тариқа пайдо бўлади<sup>3</sup>. Тарих саҳнасига келган кўнғиротлар сулоласи ўзини Чингизхон (1206-1227) вориси деб ҳисоблаш билан чекланмай, Хоразмшоҳлар унвонлари апелляциясига ҳам даъво қилдилар<sup>4</sup>. Бу иддао сиёсий легитимациянинг

<sup>1</sup>Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. 75; Тошев Н. Хива хонлари титулатураси // *Sharqshunoslik*, 2011. - № 15. – Б. 77.

<sup>2</sup>Мунис-Огаҳий, матн.– Р. 7, 13; Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. xxvi, 109, 111 иловалар билан. Элтузарнинг кетма-кет 4 ғалабаси ва Кўнғирот шаҳрининг қўлга киритилишида кўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги учун рамзий маъно бор ё йўқлиги ҳали тадқиқ қилинмаган.

<sup>3</sup> Yu. Bregel. Tribal tradition and dynastic history: The early rulers of the Qongrats according to Munis // *Asian and African Studies*. 1982.16/3. – Р. 381-385, 392-397; Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. 543. 1-изоҳ (унда “Фирдавс ул-икбол” кўнғиротлар сулоласининг насабномаси ёритилган энг асосий асар, деб аталган)

<sup>4</sup>Комёб Саййид Ҳамид тўра ибн Саййид Муҳаммадхон. Таворих ул-хавонин. ЎЗР ФАШИ-1, № 7717. – В. 84<sup>б</sup>; Саййид Ҳомид тўра Комёб.

иккинчи манбаидир. Бу ҳаракатда кўнғиротлар тарихини қадимийлаш учун ўзларини чингизийлардан ҳам олдинроқда яшаган сулола билан боғлашга уриниш кўзга ташланади.

Бу даврларда Хива хонлиги тарихчилари орасида чиғатой (ёки ўрта туркий) тилида асар битиш кучайди<sup>1</sup>. Айни чоғда Хоразм эпиграфикасида форс тили қўлланиши ҳам давом этаверди<sup>2</sup>.

Хива тарихнависи Муҳаммадюсуф Баёний (1858–1923) таъкидлашича, Элтузархон фармони билан ёзилган Хива хонлари тарихида Мунис турли ибора, бадий восита ва мажозий ифодаларни катта маҳорат ва назокат билан қўллаган. Китобхонлар асардаги бадий ифодалар гўзаллигидан ҳайратланганлар<sup>3</sup>. Муҳаммад Раҳимхон I (1221–1240/1806–1825) мазкур асар ёзилаётган пайтда Мирхонд Муҳаммад ибн Ховандшоҳ (1433–1498) қаламига тегишли “Равзат ус-сафо” таржимасини ҳам Мунисга топширади. Баёний шу сабабдан ушбу тарихий асар яқунланмай қолганидан афсусланади<sup>4</sup> ва “Фирдавс ул-иқбол” асари муқаддима, 5 боб ва хотимадан иборат қилиб ёзилиши мўлжалланганини қайд этади<sup>5</sup>. Шу тариқа, кўнғиротлар сулоласи сиёсий

Таворих ул-хавонин. Нашрга тайёрловчилар: Н. Норқулов, Ж. Жўраев, Т. Тоғаев. – Тошкент, 2002. – Б. 27; Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. 615; 671, 672-ҳаволалар.

<sup>1</sup> Хоразмда амалга оширилган таржима асарлар дебочаларида бу туркий тил, деб аталган. Хива муаллифлари усмонли туркийсидан Ўрта Осиё туркий тилга таржималар ҳақида гап кетганда чиғатой туркийси атамасини қўллаган. Чиғатой тили ҳақида Г. Благова ҳам тадқиқот олиб борган (Чагатайский язык. Древние и старые письменные языки // Языки мира: Тюркские языки. – Москва, 1996; – Бишкек Издательский дом; 1997. – С. 148-159).

<sup>2</sup> Бабаджанов Б. Эпиграфика в архитектурном ландшафте Хивы мечеты, погребальные комплексы, медресе, дворцы, ворота. Часть 1: Введение, чтение текстов, комментированные переводы. Studies and texts on Central Asia 3. Veröffentlichungen zur Iranistik 85. Vena, 2020. – С.28-30, 47-55, 71-78.

<sup>3</sup> Аммо ҳозирги тадқиқотчиларга асарнинг бадий сифатларидан ташқари, тарихий воқеъликни ифодалаш, олдинги тарихларни “янгича” тавсиф ва таҳлил этиш услублари ҳам ўта қизиқарлидир.

<sup>4</sup>Брегель Ю.Э. Сочинение Баяни «Шаджара-йи хорезмшахи» как источник по истории туркмен // Краткие сообщения Института народов Азии. – Москва, 1961. – XLIV. – С. 128. Муаллиф бу мақоласида Баёнийнинг асарига ҳаволалар берган.

<sup>5</sup> Муҳаммадюсуф Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий. ЎзР ФАШИ-1, № 9596. – В. 4<sup>а</sup>-4<sup>б</sup>.

кудратга эга бўлгач, ютуқларини тарих зарварақларига муҳрлашга киришади. Мунис “Фирдавс ул-икбол” асарида Элтузар аждодларининг тарихини “назм ва наср ила жаҳонга гавҳар сочиш” билан замона “Шоҳнома”сини ёзишини буюрганини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Қўнғиротлар сулоласи даврида тарихий, агиографик асарларни араб ҳамда форс тилидан туркийга фаол ва катта миқёсда таржима қилиш бошланди. Ўз даврида шайбоний ҳукмдорлар ҳам бу ишга уриниб кўрганди. Бироқ бу борада қўнғиротлар сулоласи барча даврлар ҳукмдорларидан ўзиб кетади<sup>2</sup>. Англиялик тадқиқотчи Жулли Скотт Мейсами (Julie Scott Meisami) форс тарихшунослигига бағишланган китобида сарой муҳитида битилган турли мавзулардаги асарларнинг ёзилиши схемаларини келтирган. Улар қўнғиротлар даври тарихий асарларига ҳам хосдир<sup>3</sup>. Олима қуйидагича хулосага келади: “Мўғуллар, темурийлар ва усмонлилар каби кейинги давр сулоалари сарой тарихнависи ва таржималарга ҳомийлик қилишган”. Шак-шубҳасиз, қўнғиротлар учун ҳам тақлид қилишга асос мавжуд эди. Албатта, улар буни ўзлари англаган ҳолда амалга оширганлар деб ҳисобласак, энг ёрқин мисол сифатида Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асари 60 йил давомида таржима қилинганини эслаш kifоя. Мазкур асар Хоразм муаллифлари, хусусан, Муниснинг иншо этиш ҳамда жанр қурилиши (масалан, ҳарбий юришлар тасвири) схемалари учун муайян қонуниятларга эга манба сифатида йўлчи юлдуз бўлди. Бундан ташқари, ислом оламининг бундан кейинги даврларга хос “глобал тарихлар”ининг яратилиши сулола ўз ўтмишини умумий мусулмон тарихи занжирига янги ҳалқа сифатида қўшишига бўлган уриниши, деб ҳам тахмин қилиш мумкин”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Фирдавс ул-икбол, табдил. – Б. 34.

<sup>2</sup> Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani / Ed. in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by NouryaghdiTashev. – Samarqand-Tashkent, 2012. – P.IV-VI (Бундан кейин Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani); Эркинов А. Тимуридский маньеризм в литературной среде Хивы при Мухаммад Рахимхане II (на примере антологии «Маджму‘а-йи шу‘ара-йи Фируз-шахи») // Вестник МИЦАИ. 2008. - № 8. – С. 58-65.

<sup>3</sup> Julie Scott Meisami. Persian historiography: To the End Twelfth Century. – Edinburg, 1999. – P. 5-9.

<sup>4</sup> Мунис-Огаҳий, матн. – P. 12, 14, 16-18; Мунис-Огаҳий, таржима. – P. XVII; Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani.– C.VI, III.

Кўнғирот хонлари тарихларини кўшни халқ ва давлатларга қарши дабдабали фатҳ юришлари тасвиридан иборат этиб кўрсатилишига буюртмалар берган. Бу юришлар назм ва насрнинг саж услубида батафсил тасвирланган<sup>1</sup>. Н. Тошевнинг “Хива хонлари титулатураси” мақоласида уруш қилмаган ҳукмдор – *подшоҳ, гозий, хоразмишох* эпитетларини исмига кўша олмагани қайд этилган. Бу эпитетларни олиш учун хонлар кўшни Бухоро, Хуросон, Эрон, қозоқ даштларига юриш қилган. Юришга гоҳида диний мотив – “жиход”, тобеъликдан бош тортган қабилаларни итоатга келтириш баҳона бўларди<sup>2</sup>. Хоразмга тез-тез келиб турган бошқа мамлакатлар элчиларининг расмий ташрифи аксинча, қисқа воқеалар хронологиясида эсга олиб ўтилади. Айни чоғда, ушбу тарихий воқеалар чет эл дипломатлари тарафидан батафсил тасвирланган ва жилд-жилд саёхатнома китоблар тарзида баён этилган.

Худди шу даврда дунёнинг бошқа континентида икки империя ўртасидаги “Катта ўйин” бошланган эди<sup>3</sup>. Маҳаллий ўзаро рақобатга берилиб кетган Марказий Осиёдаги хонликлар “Катта ўйин”даги сиёсий ҳодисалардан бохабар бўлсалар-да, етарли даражада эътибор қаратмадилар. Хива хонлигига Россия, Эрон, Англия давлатларидан кетма-кет элчиларининг келиши Аллоҳқулихонни ҳушёр торттирди<sup>4</sup>. XIX аср кўнғиротлар

<sup>1</sup> Гоҳида бу юришлар батафсил соатма соат берилса, гоҳида сиёсий жиҳатдан муҳим юришлар бир-икки оғиз тасвир билан кифояланган. Ю. Брегель уруш тасвирларига оид архив ҳужжатлари, сафар кундаликлари сарой тарихнависларига етказилган бўлиши керак, деган фикрни илгари суради (Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 29, 33-ҳаволалари билан бирга).

<sup>2</sup> Тошев Н. Хива хонлари титулатураси // *Sharqshunoslik*. – 2011. - № 15. – Б. 79-81.

<sup>3</sup> Бу атама Британия ва Россия империяларининг Марказий Осиёда (1813–1907) ўз таъсирларини ўрнатиш мақсадидаги геополитик манфаатларини кўрсатиш учун қўлланган. У ингл. *The Great Game* (рус. *Турниры теней*) номлари билан ҳам аталади. XIX биринчи ярмидаги бу икки империя сиёсий ўйинлари ва бунинг асослари ҳақида Alexander Morrison батафсил ёзган (Twin Imperial Disasters. The invasions of Khiva and Afghanistan in the Russian and British official mind, 1839–1842 // *Modern Asian Studies* /Volume 48/ Issue 01/ January 2014. – Р. 259-262).

<sup>4</sup>Ўзбекистон Миллий архивида рус агентларининг Аллоҳқулихон билан муносабатлари ёритилган хатлар ва йўриқномалар мавжуд. Бу

сулоласи сиёсий жараёнларида юксалиш ва пасайишлар даври алмашиб турди. Мазкур асрнинг биринчи ярмида хонлик ҳарбий-сиёсий ҳаётида қўшни халқларни бўйсундириш ниятида Амударё дельтасини эгаллаш ва янги ерларни суғориш етакчи ўринга чиққан бўлса<sup>1</sup>, иккинчи ярмида барча ҳаракатлар бу ҳудудларни назоратда тутиб туришга қаратилган эди. Таъкидланганидек, бу даврда янги сулола легитимациясининг маданий аспекти Хива шаҳри қиёфасининг такомиллашиб бориши, янги бадий ва тарихий асарлар яратилиши, хорижий тилдаги кўплаб китобларнинг туркий тилга таржима қилинишида намоён бўлди.

Хонликка даъволарнинг барҳам топиши ва ҳарбий ўлжалар камайиши билан тарихнавислик услубида тантанаворлик ва жимжимадорлик йўқола бошлади. Сайид Муҳаммадхон (1272–1281/1856–1864) ҳукмронлиги давридан тарихнавислик нисбатан соддароқ тилда “тапира” бошлади. Мунис асос солган ва унинг жияни давом эттирган Хоразм тарихнависи тилини Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг (1281–1328/1864–1910) ўғли Асфандиёрхон (1328–1336/1910–1918) буйруғида оддий турк оммаси асарни ўқиганда, осон тушуниши талаб қилинди ва бу Муҳаммадюсуф Баёний асарида акс этди<sup>2</sup>.

Италиялик тадқиқотчи Паоло Сарторининг (Paolo Sartori) мақоласида Хива хонлигининг янги қўнғиротлар сулоласи томонидан кўплаб мадрасалар қурилиши ва улар туркий тилга таржима қилинган дарсликлар билан таъминланиши легитимациянинг яна

ҳужжатлардан Хива хони сиёсий вазиятни ўрганиб, кейин қарор қабул қилгани кўришиб турибди ( Т-715 фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 29, 30, 58, 60, 65-хатлар). И-715 фонди олдидаги исторический сўзи ўзбек тилида тарихий Т-715 деб берилмоқда.

<sup>1</sup> Shioya Akifumi. Irrigation Policy of the Khanate of Khiva regarding the Lawzan Canal, 1830–1873 // Area Studies Tsukuba 32, 2011. – P. 115-136. Ушбу мақолада муаллиф Хива хонларининг XIX аср биринчи ярмидаги ҳарбий экспедициялари ҳақида қисқача маълумот келтирган (Ўша жойда. – P. 122-124).

<sup>2</sup> Асфандиёрхон Баёнийга тарихга киритишга арзимайдиган ҳикояларни тушуриб қолдиришни ҳам буюрган (Брегель Ю. Сочинение Баяни “Шаджара-йи хорезмшахи” как источник по истории туркмен // Краткие сообщения Института народов Азии.– Москва, 1961. – XLIV. – С. 128; Баёний, Шажарайи хоразмшоҳий. ЎЗР ФАШИ-1, № 9596.– В. 4<sup>а</sup>-4<sup>б</sup>).

бир тури дея талкин қилинади<sup>1</sup>. Олим ҳақли равишда сулола тарихига оид асар қўлғезмаларининг кам кўчирилганини ҳисобга олиб, асар фақат сарой муҳотида ўқилгани ва кенг оммага мўлжалланмаган, дея фикр билдиради<sup>2</sup>. Тарихий асарларнинг мураккаб саж услубида ёзилгани ҳам унинг фикрини қувватлайди. Туркий тилда сўзлашувчи омма бу тилни тушунишга албатта, қийналарди.

Қўнғиротлар сулоласи ҳукмдорлигига оид тарихнавислик анъаналарининг дастлабки даврларига назар ташланганда ҳеч бир тарихий асар муаллифи форс мумтоз тарихнависилиги услубида Мунис даражасига ета олмагани кўринади. Бу анъанани давом эттириш учун хонлар муносиб номзод қидиришган. Назаримизда, айти уринишлар Хоразм давлати маданий даражасини ошириш ва унинг аҳамиятини кучайтиришга қаратилган эди. Қўшни Бухоро хонлиги азалдан Марказий Осиёнинг маданий маркази ҳисобланиб келган ва Хива хонлиги ҳам у билан тенглашишга уринган. Шу сабабдан В. Бартольд (1869–1930) таъкидлаганидек, XIX асрда Бухорога қараганда Хива хонлигида маданий юксалиш учун саъй-ҳаракатлар кўпроқ амалга оширилган<sup>3</sup>. Ушбу ҳаракатлар бутун Марказий Осиё маданий мероси бойишига улкан ҳисса бўлиб кўшилди. Бу фақат тарихнавислик ва меъморчиликка тегишли эмас. А. Вамбери (1832–1913) бу мавзуга муносабат билдириб: “Исталган маърифатли миллатга нисбатан Ўрта Осиёлик кўчманчининг мусиқа ва туркий халқ оғзаки ижодига эътибори кучлидир. Хива хонлигида Қўқон, Бухоро ва Қашқарга қараганда бундай эҳтирос янада юксакроқдир”, деб ёзганди<sup>4</sup>.

Бу жараёнлар орасида уч хонликдаги ном чиқарган ҳукмдорларнинг “хонлар мушоираси” баҳси ҳам кўзга ташланади. Бундай мусобақа кўпинча минтақада сулолалар орасида сиёсий етакчилик қилишга уриниш ва оқибатда рақобатга айланиб кетган. Б.

<sup>1</sup> Sartori P. On Madrasas, Legitimation, and Islamic Revival in 19th-Century Khorezm // EURASIAN Studies 14. – 2016. – P. 98-134.

<sup>2</sup> Sartori P. On Madrasas, Legitimation, and Islamic Revival in 19th-Century Khorezm // EURASIAN Studies 14. – 2016. – P. 104-105, 19-ҳавола.

<sup>3</sup> Бартольд В. Работы по исторической географии. Хорезм // Статьи из “Энциклопедии ислама”. Сочинения. – Москва, 1965. – Т. III. – С. 552; Мунис-Огахий, таржима. – Р. X, XII, 16-ҳавола.

<sup>4</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 2003. – С. 255.

Бобожонов етакчи бўлишга интилиш мусобақаси шеър алмашиш каби ажойиб шаклларда ҳам амалга оширилгани таъкидлайди. Бундай даъво Муҳаммад Раҳимхон Биринчининг муҳрига ўйилган қуйидаги байтда ҳам кўринади:

محمد رحيم الديده تابسه جا  
عمر تابع اولمس مو حيدر مطيع

Муҳаммад Раҳим олдида топса жой,  
Умар тобе ўлмасму, Ҳайдар мутеъ<sup>1</sup>.

Бу байтда муаллиф ийҳом санъатидан фойдаланади ва сатрларга иккита маъно юклайди. Биринчисида у қўшни ҳукмдорлар Умар (1810–1822) ва амир Ҳайдардан (1800–1826) ўзини юқори тутаётгани англашилади. Аммо байтнинг асосий мазмунига Муҳаммад – пайғамбар (571–632), Раҳим – Аллоҳнинг 99 исмидан бири, икки халифа – Умар ибн Ҳаттоб (584–644) ва “Ҳайдар” лақаби билан машҳур Али ибн Абу Толиб (599–661) Муҳаммад пайғамбарга қулоқ солишгани ва уни Раҳим (Аллоҳ) олдида турса, халифалар унга эргашиш ғояси сингдирилган. Ҳар қалай, кўпчилик тадқиқотчилар бу сатрларни шундай талқин қилади. Ўз ҳукмдорлари даражаларининг бундай мусобақасида хонларнинг ўзлари билан биргаликда сарой тарихчилари ва шоирлари иштирок этган бўлиши керак.

Қўнғиротлар сулоласи тарихнависиликка таъсир қилган яна бир жиҳат форс ва араб тилида ёзилган асарларни туркийга таржима қилишга эътибордир. Мазкур ҳолат зиёлилар ўртасида дунё ва ислом мамлакатлари тарихини билишга эҳтиёж мавжуд бўлганидан дарак беради. Таржима масаласида ҳаминша ўқувчилар эҳтиёжи ҳисобга олинган. Таржима асарлар хон саройи, айрим маърифатпарвар аъёнлар адабий мажлисларида ўқилган, ўзига хос синовдан ўтган. Муваффақиятли бажарилган таржималар моддий ва маънавий тақдирланган.

<sup>1</sup> Тожир. Ғаройиб-и сипоҳ. ЎЗР ФАШИ-1, № 5408. – В. 7<sup>б</sup>; Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – С. 356-357.

Кўплаб ёзма манбаларда кўнғиротлар сулоласи намоёндалари хузурида диний масалалар муҳокама қилингани ва адабий мажлислар уюштириб турилганига оид маълумотлар учрайди. Уларда замондош ёки ўтмишда яшаган ижодкорлар, муаррихлар асарлари ўқилган, муҳокама қилинган<sup>1</sup>. Баъзан битта асарни бир нечта таржимон туркийга ўгирган ҳолатлар ҳам учрайди. Улардан бири “Тарихи комил” асаридир, уни 11 нафар мутаржим таржима қилинган. “Равзат ус-сафо” асари таржимасида 5 нафар мутаржим иштирок этган<sup>2</sup>. Кўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги даврида тахминан, 120 асар туркийга ўгирилган. Хоразм бу соҳада кўшнилари орасида етакчилик қилган<sup>3</sup>. Тарихий маълумотларни маҳаллий туб аҳолига ўз тилида етказишга жиддий эътибор қаратиш албатта, маданий аҳамиятга эга муҳим ҳодисадир.

Таржимонлар бадий матни туркий тилга ўгиришни асарнинг оммавийлашуви деб ҳисобладилар. Чунки араб ва форс тилларида ёзилган асарларнинг асосий қисми фақат *хос омма* эҳтиёжлари учун мўлжалланган бўларди<sup>4</sup>. Баъзи асарлар таржималари амалдорлар ташаббуси ва ҳомийлигида ҳам амалга оширилди. Олдинги замонларда унчалик кўзга ташланмаган ушбу маданий ҳодиса янги сулола даври мафкураси шаклланиши жараёнини яққол акс эттирарди.

Охирига етмай қолган кўнғиротлар сулоласи насабномаси давоми Муниснинг шоғирди ва жияни “Огаҳий” таҳаллуси билан танилган Муҳаммадризо (1224–1291/1809–1874) томонидан ёзиб

<sup>1</sup>Agahi, Jami' al-vaqi'at-i sultani. – P. XVIII, 127-ҳавола; Ҳасанмурод Лаффасий. Тазкирайи шуаро. ЎЗР ФАШИ-1, № 12561, – В. 6<sup>а-б</sup>; Зайниддин Маҳмуд ибн Абдилжамил Восифий. Бадоеъ ал-вақоеъ (Хоразмда таржима қилинган туркий нусха). ЎЗР ФАШИ-3, № 2628. – В. 1<sup>а-2</sup>.

<sup>2</sup> Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Тошкент, 1988. – Б. 11, 22.

<sup>3</sup>Ўша асар. – Б. 12-13; Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими А. Носиров (1900–1986) 1960 йили ушбу маълумотларни тўплаган. Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб, мазкур маълумотлар тадқиқ этилишига эҳтиёж сезилмоқда. Абдулла Носиров фаолияти ҳақида Бахтиёр Бобожонов қисқача тадқиқот амалга оширган (“Улама” в Советском Институте востоковедения // История и историки Узбекистана в XX веке. – Ташкент, 2014. – С. 347-348).

<sup>4</sup> Камилов Н. Хорезмская школа перевода (проблемы типологии и сопоставительное исследование истории перевода в XIX в) диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Ташкент, 1987. – С. 18.

тугалланади. У олти йилда (1840–1846) кўнғиротлар сулоласи тарихини тўлиқ қамраб олган “Фирдавс ул-иқбол”, “Риёз уд-давла” ва “Зубдат ут-таворих” асарларини ёзиб тугатади. Бу асарлар муаллиф ўзига юкланган оғир ва масъулиятли вазифани муваффақиятли бажариши учун етарлича манба билан таъминланганини кўрсатади.

Келтирилган ушбу маълумотлар Хоразм давлатида кўнғиротлар сулоласи ўзига хос миллий сиёсат юритгани ва янги маданий ривожланиш йўлини босиб ўтганидан далолат беради. Мазкур ҳолат айниқса, тарихнавислик ва таржима соҳасида аниқ кўзга ташланади. Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммадризо Огаҳий бу маданий жараёнда ҳукмдорлар ҳомийлигида фаол иштирок этади ва унинг шаклланишига етакчилик қилади. Айни чоғда мазкур маданий ривожланиш Муҳаммадризо ва бошқа ижодкорлар фаолиятига ҳам самарали ҳамда ижобий таъсир кўрсатади.

## II МУҲАММАДРИЗО ОГАҲИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Муҳаммадризо Огаҳий ҳаётлигидаёқ асарлари омма таҳсинига сазовор бўлган эди. Унинг ижодий мероси кейинги авлодлар эътиборидан ҳам четда қолмади<sup>1</sup>. Советлар даврида ҳукмрон сиёсий мафкура белгилаган “социалистик реализм” асосида тадқиқ этилди. У Алишер Навоий сингари адиблар қаторига киритилганди<sup>2</sup>. Огаҳий асарларидан собиқ мафкурага хизмат қиладиган тарзда айрим парчалар эълон қилинарди<sup>3</sup>. Асарларидан сайланмалар иловалар билан кирилл алифбосида олти жилдда чоп этилди, барча асарлари фихристи тузилди<sup>4</sup>, тарихий асарларидан туркманлар тарихига тегишли қисмлари рус тилига таржима қилинди<sup>5</sup>. Ҳозирги пайтда таниқли олим Абдулла

<sup>1</sup> Унинг асарларидан олинган сайланма 6 жилдда нашр этилган: Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик // Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов; масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1971–1980 (масъул муҳаррирлик ва нашрга тайёрловчи муаллифлар номлари билан алмашиб турилган).

<sup>2</sup> Алишер Навоий совет даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, фақат “партия билети” берилиши қолган эди. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV-XX асрлар). – Тошкент, 2018. – Б. 9-10.

<sup>3</sup> “Ўтмишдаги асарга” баҳо беришда Совет партиясининг мезонларидан келиб чиқилган. Салоева М. Яна Огаҳий ғазали ҳақида / Совет Ўзбекистони санъати газетаси, 9-сон, 1984. – Б. 21. Ушбу газетадан парча ЎзР ФАШИ илмий ходими Абдулла Носиров томонидан ЎзР ФАШИ-1, қўлёзма 7443 рақами остида сақланаётган Муҳаммадризо Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девонининг сўнгги варағига ёпиштирилган. Бундан кейин: Огаҳий, девон.

<sup>4</sup> Огаҳий асарларининг тавсифи (Каталог) // Тузувчи Ф. Ғанихўжаев. – Тошкент, 1986. Бундан кейин ОАТ.

<sup>5</sup> Продолжение “Фирдаус-уль-Икбаль”. История царствования Мухаммед Рахим-хана / Перевод и примечания П. П. Иванова. – С. 355- 427; История царствования Алла-кули-хана. Извлечения их “Рияз-уд-давле”, сочинение Мухаммед Риза мираба Агехи. Рукопись ИВ АН Д 123 (590ос) / Перевод А. К. Боровкова. – С. 427-477; История царствования Рахим-кули-хана. Извлечения из “Зубдет-ут-таварих”, сочинение Агехи. Рукопись ИВ АН Е 6. / Перевод З. Аксакова. – С. 477-499; История царствования Мухаммед Эмин-хана. Извлечения из “Джами-уль-вакыат-и-султани”, сочинение Агехи. Рукопись ИВ АН № Е6 / Перевод З. Аксакова. – С. 500-562; История царствования хана Сейид Мухаммеда (1856—1865 гг.).

Ўрозбоев масъул муҳаррирлигида 2019–2021 йилларда ўн жилдлик танланган асарлари қайта нашри режалаштирилди ва 2020 йили 8 жилди чоп этилди<sup>1</sup>.

Муаллиф таржимаи ҳолини Ю. Брегель, Ф. Ғанихўжаев (1933–2006), Қ. Муниров (1928–2009) ва Н. Тошев атрофлича ўрганган. Ю. Брегель Огаҳий ҳаёти ва ижоди ҳақида кўплаб муҳим маълумотлар тўплаган<sup>2</sup>. Қ. Муниров Огаҳийнинг тарихчилик фаолиятини илмий ўрганиб, номзодлик диссертациясини ёзди<sup>3</sup> ва кейинги тадқиқотларида ижодий меросига оид маълумотларни бойитди<sup>4</sup>. Н. Тошев Огаҳий таржимаи ҳолини янги ахборотлар билан тўлдириб, у саройда эгаллаган мироб мансаби таҳлилига алоҳида тўхталади<sup>5</sup>. Биз ушбу тадқиқотимизда Огаҳийнинг таржимаи ҳоли, Мунис билан қариндошлик ришталари, мироблик мансаби, ижодий меросига оид сўнги тадқиқотлар натижаларини беришга ҳаракат қилдик.

Мухаммадризо ибн Эрнийезбек<sup>6</sup> Хива хонлигида мироблик вазифасини бажарган. Замондошлари орасида “Огаҳий” таҳаллусли шоир бўлиб танилган. Шарқ мумтоз адабиёти анъанасига амал

Извлечения из “Гулшен-и-Девлет”, сочинение Мухаммед Риза-мираба, прозванного Агехи. Рукопись ИВ АН, В 1891 / Перевод и примечания П. П. Иванова – С. 562-611; История царствования Сейид Мухаммед Рахимхана. Извлечения из “Шахид- и-Икбаль”, сочинение Агехи. Рукопись ИВ АН С 572 / Перевод З. Аксакова. – С. 611-638 // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. II. XVI—XIX вв. Иранские, бухарские и хивинские источники / Под редакцией В. В. Струве. А. К. Боровкова, А. А. Ромаскевича и П. П. Иванова. Ответственный редактор А. К. Боровков. – Москва – Ленинград, 1938.

<sup>1</sup>Асарлар тўплами Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳомийлигида чоп этилди. Масъул муҳаррир ф.ф.д. Абдулла Ўрозбоев. Тўпламга шоирнинг девони, тарихий асарлари ва таржималар табдили киритилди.

<sup>2</sup>Мунис-Огаҳий, матн. 1988; Мунис-Огаҳий, таржима, 1999.

<sup>3</sup>Муниров Қ. Исторические произведения Муниса, Агахи, Баяни – источники по истории Средней Азии. Автореф. дис. на соискание к.и.н. – Ташкент, 1961. – 16 с; Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Тошкент, 1960. – 171 б.

<sup>4</sup>Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII-XIX ва XX аср бошлари). – Тошкент, 2002. – 192 б. Бундан кейин, Муниров. Хоразмда тарихнавислик.

<sup>5</sup>Agahi, Jami al-vaqi‘ati sultani. –С. iv- ix.

<sup>6</sup>Erkinov A. Agahi // Enciclopedia of Iranica 3. – Leiden, 2015. – pp. 9-10.

қилиб, девони дебчасида таржимаи ҳолини қисман келтирган. Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” (Ошиқлар тумори) девони ҳам шундай дебоча билан бошланган<sup>1</sup>. Лекин бу маълумотлар шоир ҳаётига оид барча маълумотларни қамраб олмаган. Таржимаи ҳолига оид қимматли маълумотлар унинг тарихий ва таржима асарларида ҳам учрайди. Авазбий мироб ўғли Шермуҳаммад Мунис у ҳижрий 1224 йили зулқаъда ойининг 10-куни (1809 йил, 16 декабр) туғилганини ёзади<sup>2</sup>. Мунис Огаҳийнинг отаси Эрнийезбекка қариндош эди.

Қуйида сўнгги тадқиқотларда қўлга киритилган маълумотларга таяниб, Огаҳийнинг устози ва катта амакиси Шермуҳаммад Мунис билан боғлиқ таржима ҳолидаги ноаниқликларни бартараф этишга ҳаракат қилдик. Иш жараёнида олдинги тадқиқотчилар насабномаларда кўрган муаммолар ва ноаниқликлар доимий диққатимизда турди.

Мунис асарларида Эрнийезбекни ука (ини)<sup>3</sup> ва унинг ўлимига бағишланган бир таъриҳида биродарим (туғишган укам) деб атайд<sup>4</sup>. Н. Тошев фикрича, “ини” сўзи амакивача ёки тоғавача қариндошларга ҳам умумий тарзда ишлатилган<sup>5</sup>. Бироқ Хоразмда “ини” ҳар доим ҳам “ука” маъносини англатавермайди.

Тадқиқотчилар Мунис ва Огаҳий қариндошлигини турлича талқин қилади. Хоразмга экспедициялар уюштирган Ж. Шарипов (1911–2002) ва Ф.Ғанихўжаев Мунис Огаҳийга онаси орқали

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин / Нашрга тайёрловчи Ш. Шарафиддинов; масъул муҳаррир Р. Мажидий. – Тошкент, 1960. – Б. 36.

<sup>2</sup> Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 645-646. Ҳижрий 1224 йил, 10 зул-қаъда 17 декабрь, якшанба кунига тўғри келади. Мунис бу кунни шанба деб кўрсатган. Хоразм календарининг бир кун “ортда қолиши” ҳақида ўз вақтида В.В. Бартольд ёзган эди. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб, Огаҳий шанба кунни туғилган бўлса, бу кун 9 зул-қаъдага тўғри келади: қ. Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 8, ҳавола. 51. В. Бартольд тузатиши асосида, Ю. Брегель илмий-танқидий матнида Огаҳий туғилган кунни 17 декабрь деб берган. Лекин матн таржимаси нашрида у 16 декабрь санасини кўрсатган. Бунда Хива тарихчилари қўллаган астрономик календарига асосланган. Қ.: Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. xxxix (В. Бартольд ишига ҳавола ҳам ўша жойда келтирилган).

<sup>3</sup> Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 593, 645; Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. 271, 297.

<sup>4</sup> Мунис. Мунис ул-ушшоқ (девон). ЎзР ФАШИ-1, № 12566. – Б. 224<sup>б</sup>. Бу маълумотни тақдим қилган Н. Тошевга миннатдорчилик билдираман.

<sup>5</sup> Agahi, Jami al-vaqi’at-i sultani. – С. iv, 18-ҳавола.

тоға, дейди<sup>1</sup>. Қ.Муниров, Ю.Брегель, Н.Тошев тадқиқотларида Мунис ва Эрнийзбек ака-ука, деган хулосага келади<sup>2</sup>. Хива хонлигининг ер эгалиги бўйича илмий иш олиб борган М. Йўлдошев улар ака-ука фарзандлари – амакиваччалар, деб ёзади<sup>3</sup>.

Огаҳийнинг туғилган қишлоғи Қиётда яшовчи қариндоши Тоҳир Худойназаров (1941–2018) Мунис шоирга онаси томонидан тоға бўлганини таъкидлаган. Унинг айтишича, Эрнийзбек ва Аваз мироб туғишган ака-ука, Жиянбий мироб уларнинг отаси бўлган.

Тоҳир Худойназаров ўзини Огаҳийдан кейинги бешинчи авлод вакили, деб тушунтиради. Онаси Раҳима (1905–1989) Ма-шариб миробнинг (1867–1954) қизи, у Огаҳийнинг укаси бўлган<sup>4</sup>. Хоразмга илмий сафар чоғи қўлёмаларда қайд этилган ахборотларни оғзаки маълумотлар билан солиштириб, таҳлил қилдик. Улардаги тафовутни кейинги давр бошқа ёзма манбалардан излаб кўрдик. Улардан бири “Тазкирайи шуаро” асаридир, муаллифи Ҳасанмурод Лаффасий (1880–1949) Мунисни Огаҳийнинг амакизодаси деб ёзади. Шу асарнинг бошқа қўлёмма нусхасида “амаки” сўзи “зода”сиз берилган<sup>5</sup>. Афсуски, ҳозиргача манбаларда Эрнийзбек отасининг исми учрамади.

<sup>1</sup> Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан (революциядан олдинги давр). – Тошкент, 1965. – Б. 107; ОАТ. – Б. 7, 76.

<sup>2</sup> Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. – Б. 14; Agahi, Jami al-vaqi’at-i sultani. – С. iv, 18-ҳавола.

<sup>3</sup> Йўлдошев М. Й. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент, 1959. – Б. 267, 5-ҳавола. Муаллиф мазкур маълумотни Мухаммадсусуф Баёнийдан олганини кўрсатган (Хоразм тарихи. – Б. 160). ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган “Хоразм тарихи” (№ 7421) ва “Шажарайи хоразмшохий” (№ 9596) матнини солиштирганимизда М.Й. Йўлдошев келтирган маълумот чикмади. М.Й. Йўлдошев ХХ аср ўрталарида яшаган хоразмлик информаторлардан ҳам маълумот олган. Эҳтимол, олим бошқа манбадан фойдалангандир.

<sup>4</sup> Бу маълумот 2015 йили 24 апрел куни Қиёт қишлоғида Тоҳир Худойназаровдан ёзиб олинди. Қиёт қишлоғида жойлашган Огаҳий уй-музейидаги оғзаки маълумотлар асосида тузилган *шажара* қўлёмалардаги маълумотларга мос келмайди. Илмий сафаримиз чоғида Ичан қалъа фонди тарих бўлими бошлиғи тарих фанлари номзоди Комилжон Худойберганов ва илмий ходим Зайнаб Абдуллаева Огаҳийга оид ахборот тўплашимизга яқиндан ёрдам берди. Огаҳий уй-музейи 2019 йили таъмирланибди ва биз кўрган ўша *шажара* олиб ташланибди.

<sup>5</sup> Ҳасанмурод Лаффасий. Тазкирайи шуаро. ЎзР ФАШИ-1, № 12561. – В. 12<sup>б</sup>; № 9494. – В. 4<sup>а</sup>. Бу асарнинг бошқа бир нусхасида Мунис Огаҳийнинг амакиси (*амаки*) деб кўрсатилган (№ 11499. – В. 2<sup>а</sup>).

Афтидан, Эрнийезбек саройда бирор мансабга эга бўлмаган. Унинг исми хонликка оид бирор тарихий асарда учрамайди. У Огаҳийнинг ёшлигидаёқ ҳаётдан кўз юмган<sup>1</sup>. Огаҳий Мунис кўлида тарбияланган<sup>2</sup>. Мунис ва Огаҳий аждодлари “Фирдавс ул-икбол” асарида ҳижрий 1215 йили рабиъ ус-соний ойининг 18-куни (1800 йил, 7 сентябрь) Аваз мироб вафоти муносабати билан ёдга олинади. **Мунис ахбороти:**

Муҳаммаджон Сўфибий йуз  
Гирайбий  
Давлатбий  
Ўрозмуҳаммад баковул  
Ҳасанкули оталиқ  
Эшимбий мироб  
Шермуҳаммад мироб  
Аваз мироб<sup>3</sup>.

**Оғзаки маълумот:**  
Жиянбий мироб  
Шермуҳаммад мироб “Мунис”  
Эрнийез бий  
Абдуллоҳ бек<sup>4</sup>  
Муҳаммад Ризо “Огаҳий”

<sup>1</sup> Юрий Брегель нима учундир Эрнийезбекни Эшимбий миробнинг ўғли деб атайди (“Фирдавс ул-икбол” асари нашридаги матн ва таржима учун келтирилган исмлар кўрсаткичи). Шундай бўлса, Мунис Эрнийезбекни ука (*уни*) деб атай олмасди. Чунки Эшимбий мироб ҳижрий 1727–1735 йиллар атрофида вафот этган. Мунис 1778 йили ва Эрнийезбек ундан кейин туғилган.

<sup>2</sup> Раҳмат Мажидий тадқиқотида Огаҳий уч ёшида етим қолганини ёзади, аммо ушбу маълумот олинган манбани кўрсатмайди (Мажидий Р. Огаҳий лирикаси. – Тошкент, 1963. – Б. 8). Бу китоб “Истеъдод ва бурч” номи билан қайта нашр этилган (Тошкент, 1974). Муниснинг девонида ҳам Огаҳий 3 ёшида етим қолгани айтилади (ЎзР ФАШИ-1, № 12566. – В. 224<sup>б</sup>).

<sup>3</sup> Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 354; Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. 166.

<sup>4</sup> Agahī. Jami al-vaqī’at-i sultani. – С. v, 33-ҳавола.

Насабномада кўриниб турганидек, Мунис ва Огаҳий аждодлари ўзбекларнинг юз уруғидан, мироблик анъанавий тарзда отадан болага ўтиб келган. Илмий доираларда мироб хонликдаги ирригация ишлари учун жавобгар шахс, деган қараш мавжуддир. Н.Тошев аниқлашича, “мироб” Хиванинг тарихий хронологияларида ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ воқеаларда кўпроқ тилга олинган<sup>1</sup>.

Аммо қўнғирот хонлари Мунис ва Огаҳий шахсиятида қудратли жангчи эмас, истеъдодли қалам соҳиби, моҳир таржимонни кўришган. Таржима ва тарихнавислик вазифалари уларга ишониб топширилган. Огаҳий ижодга машғул бўлиш, олиму шоирлар давраси ҳарбий ишлардан кўра, афзалроқ ва қизиқроқ эканини ёзади<sup>2</sup>.

Мунис ва Огаҳийнинг умумий фазилатлари бор эди. Иккиси ҳам Алишер Навоийга (1441–1501) эргашиб шеърлар битган. Навоий ижоди туркий адабиётнинг юксак чўққисига айланганди. Мумтоз адабиётнинг деярли барча вакиллари унинг ижодига мурожаат қилган. Огаҳий ва Мунис ҳам улар қаторида туради. Улар битта оила эканини ҳисобга олсак, уларда бу борада муштараклик бўлиши кутилмаган ҳолат эмас.

Шу сабабдан улар ижодидаги муштаракликка просопография орқали назар ташлашга уриниб кўрамиз. Просопография қадимги грек тилида “шахс” ва “ёзаман” маъносини англатади. У тарих илмининг ёндош соҳаси сифатида ҳам қаралади. Унинг вазифаси муайян бир замон ва маконда яшаган тарихий шахсларнинг фаолиятидаги сиёсий, ижтимоий ва этник жиҳатларининг ўхшашликларини ўрганишдан иборатдир<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Agahi, Jami al-vaqi'at-i sultani. – С. viii-х. Бу нашрда Хива хонлигидаги мироблик ҳақида маълумот берилган.

<sup>2</sup> Огаҳий, девон. – В. 3<sup>а</sup>; Муҳаммад Ризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин / Нашрга тайёрловчи Ш. Шарафиддинов; масъул муҳаррир Р. Мажидий. – Тошкент, 1960 – Б. 30; Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. Девон. I жилд. 6 жилдлик // Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов; масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1971. – Б. 37.

<sup>3</sup> Британиялик тарихчи Лоуренс Стоун [Lawrence Stone] (1919–1999) 1971 йилда “сиёсий тарихнинг воситаси сифатида ихтиро қилинган” дея таърифланган просопографиянинг икки йўналишда қўлланишини таъкидлади. Биринчиси, сиёсий машина тузилишини ўрганиш учун сиёсатнинг юзаки риторикаси тагида чуқур манфаатлар ва алоқалар

Адабиётшунослар икки шоир лирикаси устида жиддий тадқиқотлар олиб боришган. Улар Огаҳийни Алишер Навоийдан кейин энг баракали ижодкор сифатида кўрадилар<sup>1</sup>. Бу икки улуг шоир ижодининг қиёсий типологик “ўқ томири”ни яқинроқдан билишга уриниб кўрамиз. Икки ҳудуд, икки сулола, икки давр намояндаларидаги уйғунлик ва ўзига хослик нималарда акс этади?

Ўрта асрларда адабиёт Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларида ҳукмронлик қилган сулолалар маънавий ҳаёти, сиёсий фаолиятининг ажралмас муҳим бир қисми бўлган. Қўнғиротлар сулоласи ҳам уларнинг тарихий давомчилари эди. Бу муҳитда Алишер Навоийга эргашиш адабий просопографияси бошида Шермуҳаммад Мунис турган эди. Шоир Навоийни маънан устози ва пири деб билади<sup>2</sup>. Мунис асарлари, адабиётда тутган йўли Огаҳий ва Навоий ижодини боғловчи кўприк бўлди. Ахир, Огаҳий унинг шогирди ва Навоий сингари отадан эрта етим қолган оила аъзоси эди. Ҳазрат Алишер тарбиясига тоғалари етук шоирлар Мирсаид Кобулий ва Муҳаммадали Ғарибийлар таъсири кучли бўлганидек, Мунис ҳам Муҳаммадризонинг ҳаёти ва ижодида муҳим шахс эди. У “дастпарвардаи Мунис” эканини, Огаҳий катта амакисининг девонига ўхшатиб *дебоча* ёзганидан билса бўлади. Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) Алишер Навоийга ҳомийлик қилгани каби Муҳаммад Раҳимхон I Мунисга раҳнамолик қилган. Саройда ўтказиладиган илмий анжуманлар, мушоираларга Мунис жияни Муҳаммадризони ҳам олиб келарди. Кейинчалик Муҳаммад Раҳимхон II Огаҳийга ҳомий бўлди.

Алишер Навоий чигатой туркий адабиётининг бунёдкори эди. Унинг девонлари дебочасини кўрган мизда, рус матншуноси Д. Лихачевнинг “ягона адабиёт биноси яратувчилари”, назарияси

борлигини очиб бериш; иккинчиси, жамиятдаги ўзгарувчан ролларни идора эгалари, уюшмалар аъзолари, оилавий келиб чиқиши орқали ижтимоий ҳаракатчанликни баҳолаш ҳамда ходимлар ва жамоа муносабатларини ушбу идоралар ёки аъзоликка тақдим қилишдир. Lawrence Stone. Prosopography // Daedalus. Volume 100, No. 1. Historical Studies Today. Winter. – 1971. – P. 46-79.

<sup>1</sup>Жумахўжа Н. Муҳаммадризо Огаҳий // Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. Иккинчи нашри. Б. Қосимов, Н. Жумахўжа. – Тошкент, 2000. – Б. 336-370.

<sup>2</sup> Мунис. Девон (сайланма). Нашрга тайёрловчи: Юнус Юсупов. – Тошкент, 1980. – Б. 6.

эсга тушади. Араб адабиётининг назариётчиси Ибн Рошиқ (XII аср) “қадимги ва янги давр шоирлари икки инсон кабидир, биринчиси адабиёт бинокори, уни мустаҳкам ва яхши куради. Иккинчиси бинога нақш ва безаклар беради. Ўрта аср шоири адабиётга яхлит бино сифатида қараган<sup>1</sup>. Огаҳий лирикаси янги даврнинг “қайта қурувчиси” эди. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз унинг сўз мулкидан фойдаланиб, Хоразм адабий муҳити ва унда кенг кўламли ижодий имкониятлар яратди<sup>2</sup>. Муҳаммад Раҳимхон I бошлаб берган адабий кечалар Муҳаммад Раҳимхон II Феруз даврида мунтазам тус олди ва юксак мақомларга кўтарилди. Бу адабий жараёни Лаффасий ёзишича, аслида Мунис бошлаб берган. Огаҳий “Таъвиз ул-ошиқин” девонида олимлар шундай машваратларда иштирок этишга интилганини ёзган. У ўзини аввало, шоир, сўнгра таржимон деб билади. Охирида тарихна-висликка оид асарларига тўхталади. У мадрасада ўқиганини таъкидлаган, аммо унинг номини айтмаган<sup>3</sup>.

1829 йили Огаҳий 20 ёш пайтида устози, катта амакиси Мунис вабо хасталигидан вафот этади. “Тазкирайи шуаро” асарида ёзишилича, бу воқеа Хуросонга навбатдаги юриш вақтида рўй беради ва Аллоҳқулихон (1240–1258/1825–1842) буйруғи билан марҳум жасади Хивага келтирилади. Аллоҳқулихон Муниснинг тўсатдан рўй берган ўлиmidан қаттиқ изтиробга тушади. У Мунисни жуда кадрлар эди<sup>4</sup>. Одатда катта авлод ишларини кичиклар давом эттирган. Муниснинг фарзанди йўқ эди. Аммо Огаҳий унга фарзанддек бўлиб қолганди. Шу сабабдан Муниснинг мансаб вазифаси унинг зиммасига юкланади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Куделин А.Б. Арабская литература. Поэтика, стилистика, типология, взаимосвязи. – Москва, 2003. – Б. 188.

<sup>2</sup> Nazirova H., Madaliyeva O. Alisher Navoiy va Muhammadrizo Ogahiy: uygʻunlik va asllik inʻikosi // Ogahiy – shoir, muarrix, tarjimon mavzusida respublika miqyosida oʻtkazilgan ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Toshkent, 2019. – Б. 121-125.

<sup>3</sup> Огаҳий, девон. – В. 3<sup>а</sup>. Феруз саройида котиб бўлган Ходим Бобожон тарроҳнинг (1878–1971) невараси Анбар Отамуродов (1938 йилда туғилган) тахминича, Огаҳий Хивадаги Арабхон (1616) мадрасасида ўқиган экан. У Арабхон яқинидаги Иноқия мадрасасида ўқиган бўлиши ҳам мумкин.

<sup>4</sup> Ҳасанмурод Лаффасий. Тазкирайи шуаро. ЎЗР ФАШИ-1, № 12561, – В. 8<sup>б</sup>.

<sup>5</sup> Огаҳий Мунисга ягона меросхўр ҳам эди (Agahi, Jami al-vaqiʻat-i sultani. – С.v, 33-ҳавола)

Хоразм тарихига оид деярли барча солномаларда ҳарбий юришлар тавсифи бор. Мунис ва Огаҳий уларда иштирок этганми? Буни билиш қизиқарлидир. Матнлар Огаҳий уруш ҳаракатларида жуда кам иштирок этганидан дарак беради. Мунис 30 кишилиқ жанговар қисмга бошчилик қилган экан<sup>1</sup>. Огаҳий фақат бир нечта аскарга бошлиқ бўлган. У жанглarda ҳам иштирок этади. Уларнинг бирида майдондан қочаётган душманни таъқиб қилади. Етқач, уни ўлдиришга тараддуланиб турганда туркман жангчиси чаққонлик қилиб, мағлубнинг бошини танидан жудо қилади ва “ўлжа”ни Муҳаммадамин иноққа кўрсатиб мукофотланади<sup>2</sup>. Бу воқеадан кейин Раҳимқулихон (1258-1262/1842-1846) Огаҳийнинг Бухорога қарашли Қоракўлга юришда иштирок этиш илтимосини рад қилиб, у ибодатлари билан ёрдам бериши муҳимроқ эканини таъкидлайди<sup>3</sup>. Огаҳий тушкун кайфиятини яшира олмаса-да, ҳар сафар бундай вазиятлардан тантанавор услубдаги шеър ёки эсхатологик таҳлиллари билан чиқиб кетарди. Бир йўналишдаги камчилигини бошқасидаги устунлиги билан моҳирона бекитарди. Хива хони Огаҳийнинг ижодий имкониятларини жуда яхши биларди. Уни ҳамиша ўзига яқинроқ тутар, ҳарбий юришларга кўпам аралаштирмасди. У баъзида унча жиддий бўлмаган ҳарбий ҳаракатларда кичик гуруҳлар таркибида иштирок этарди. Бу ҳам ҳарбий хизматининг дастлабки йилларида бўлган.

Огаҳий тарихнавис сифатида асарларида замондошлари сингари доимо расмий лавозимини қайд этади, муваффақиятсизлик ва ҳасталикларини ҳам яширмайди. У ҳижрий 1268 йили муҳаррам ойининг 19-куни (1851 йил, 14 ноябрь) мироблик лавозимидан истеъфога чиқади. Бу пайтда уни бод касаллиги

<sup>1</sup> Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 7, 40-ҳавола; Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. XIX, 53-ҳавола.

<sup>2</sup> Muhammad Riza Mirab Agahi. Zubdat Al-Tavarikh / Edited in the original Central Asian Türkī with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. Tashkent–Samarkand, 2016. – Б.133. (Бундан кейин: Зубдат, матн) А. Вамбери маълумотиға кўра, хонлар ўлжа олиб келган аскарларини тўрт хил тўн билан тақдирлаганлар: тўрт душман боши – оддий кийим, қирқта бош учун энг чиройли қимматбаҳо кийим тортиқ қилинган. А. Вамбери. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 2003. – С. 107-109.

<sup>3</sup>Зубдат, матн. – Б. 189.

қийнаётганди. Мироблик вазифасини бажара олмас ҳамда ҳарбий юришларда ҳам қатнаша олмасди<sup>1</sup>. Муҳаммадаминхон (1262-1271/1846-1855) Огаҳийнинг арзига қулоқ тутуди ва ўрнига унинг яқин қариндоши (амакизодаси) Муҳаммадкаримбекни тайинлайди<sup>2</sup>. Тўрт йил ўтгач, Абдуллахон (1271/1855) билан бирга исёнчи ёвмудларга қарши жангда Муҳаммадкаримбек ҳалок бўлади. Унинг ўрнига келган тахт вориси Қутлукмуродхон (1271–1272/1855–1856) Огаҳийни касал бўлишига қарамай, яна миробликка тайинлайди<sup>3</sup>.

Огаҳий ҳаёти ва ижодини ўрганган барча олимлар унинг миробликдан кетгач, бу лавозимга яна қайтмаган, деб ҳисоблашган. Бироқ Н.Тошев Огаҳий умри охиригача миробликда ишлаганига бешта далил келтиради:

1. Огаҳий истеъфо ҳақида ҳеч нарса демайди.
2. Шоир умрининг сўнгги йилларида тартиб берган девонида, “мироблиғ мансабига мансубдурман”, дея ҳозирги замонда ёзган.
3. Сайид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон Феруз пойтахтдан ташқари юришларида ҳамроҳлик қила олмаслиги ва бундан озод этилганини қайд этади.
4. Муҳаммадризо 1273–1275/1856–1859 йилларда ғазнадан 40 тилла маош олган, 1265–1266/1848–1850 йиллари истеъфога чиқмасдан олдин ҳам шу маошни олган<sup>4</sup>.
5. Адибнинг мироблик мансабига ўтирадиган фарзанди, бирор яқин қариндоши ҳам бўлмаган. Бу кўнғирот хонларини ташвишлантирмай қўймас эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1962. –Б. 107.

<sup>2</sup> Agahi, Jami al-vaqi'at-i sultani. – Б. 152.

<sup>3</sup> Огаҳий бу лавозимга ҳижрий 1272 йили рабиъ ул-аввалнинг 2-куни (1855 йил, 11 ноябрь) иккинчи марта тайинланган ( Agahi, Jami al-vaqi'at-i sultani. – Б. 226).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Миллий архиви хужжатларида Хива хонлигидаги миробларга оид маълумот бор. Унда Огаҳий 1848–1850 ва 1858 йили 40 тилла маош олгани қайд этилган. Тоғай мироб, Қора Баҳодир мироб, Муҳаммадкарим мироб ва Султон мироб 100 ва Шерали мироб 20 тилла маош олган ( Т-125 фонд, 2-рўйхат, 523-йиғма жилд, 60-дафтар, 1<sup>б</sup>, 2<sup>а</sup>; Т-125 фонд, 2-рўйхат, 524-йиғма жилд, 61-дафтар, 1<sup>б</sup>, 2<sup>а</sup>; Т-125 фонд, 2-рўйхат, 539-йиғма жилд, 89-дафтар, 1<sup>б</sup>, 2<sup>а</sup>, 3<sup>а</sup> варақлар). И-125 фонди олдидаги исторический сўзи ўзбек тилида тарихий Т-125 деб берилмоқда

А.Вамбери 1863 йили Хивага келганда Огаҳийни мироб эди, дейди<sup>2</sup>. А.Л. Кун<sup>3</sup> ҳам Хивага келган вақтида хон тарихчиларидан бири мироб эканини ёзади<sup>4</sup>. Бу мироб албатта, Огаҳий бўлган. Бу пайтда Хивада ундан бошқа тарихнавис мироб йўқ эди. Огаҳий девони дебочасида ўзини саройдаги садрнишин, деб ҳам атайди<sup>5</sup>. С. Долимов бу атамани “сарой шоирлари пешвоси” деб талқин қилишга мойиллигини билдиради<sup>6</sup>. Шунингдек, С. Долимов хоразмлик қарияларнинг маълумотига таяниб, Огаҳий танбур ва соз илмидан хабардорлигини ёзади<sup>7</sup>. Огаҳийни фақат шоир деб билган Бобожон Тарроҳ Комил Хоразмий ҳам шоир ва соз илми устаси бўлгани учун Огаҳийдан устун деб хулоса қилади<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Agahi, Jami al-vaqi'at-i sultani. – С. xi-xii.

<sup>2</sup> Назирова Ҳ. Вамбери Огаҳий билан учрашганми? // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, Урганч, 2012. - № 3. – Б. 20-23.

<sup>3</sup> Александр Людгович Кун ҳаёти ва ижоди ҳақида: Андрианов Б.В. Архив А.Л.Куна // Советская этнография. – Москва-Ленинград, 1951. – № 4. – С. 149-155; Каримова А. Деятельность ориенталиста А.Л. Куна в Туркестане в 1868-1881 гг. // Сборник студенческих работ САГУ. Вып. XV. История. Ташкент, 1956. – С. 23-30.

<sup>4</sup> Кун А.Л. Администрация Хивинского ханства и главнейшие города ханства. Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти, шарқшунослар архиви, ИВР-33/1/10/8об. Мазкур маълумотни бизга ЎЗР ФА Тарих институти докторанти PhD Қахрамон Ёқубов тақдим этди, миннатдорчилик билдирамыз.

<sup>5</sup> Бухорода *садр* ва *судур* лавозимлари бўлган. Улар асосан, вақф мулклари билан боғлиқ масалаларни назорат қилган.

<sup>6</sup> Бу маълумот унинг девони дебочасида учрайди. С. Долимов уни Огаҳийнинг лавозими сифатида талқин қилади. Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1962. – Б. 100. Россия миллий кутубхонасидаги Огаҳий девони қўлёзмасининг маълумотнома қоғозига “Кауфман йўлланма варақаси” (“Кауфманская накладная”, № ТНС-18). Ундаги матн Огаҳий катта лавозимни эгаллаган, деб талқин этилган:

دور من "سيغه منسوب" ليک مرتبة متعالی سيغه منصوب و صدر نيشين ليغ منصب عالی "ميراب

“Бу парча табдили шундай: мироблик мансаби олийсиға **мансуб** (тайинланган) ва садрнишинлик мартабайи мутаолисиға **мансуб** (лойик) дурман” (Огаҳий, девон. – В. 3<sup>а</sup>)

<sup>7</sup> Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1962. – Б. 243.

<sup>8</sup> Бобожон Тарроҳ – Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари // Нашрга тайёрловчи: А. Отамуродова, О. Абдурахимов. – Тошкент, 2011. – Б. 86.

Огаҳий Хива хонлиги Россия империяси томонидан фатҳ этилганидан бир йил ўтиб, ҳижрий 1291 йили (1874) вафот этади<sup>1</sup> ва Хивадан 8 км масофада жойлашган Қиёт қишлоғидаги Шайх Мавлон Бобо мозорига дафн қилинади. Оғзаки маълумотга кўра, у ўша қишлоқда туғилганди<sup>2</sup>.

Огаҳий истеъдодли муаррих бўлгани, бой ижодий мерос қолдирганига қарамай, таржимаи ҳоли юқорида кўрганимиздек, хануз мукамал ва тўлиқ эмас. Айни пайтда тадқиқотлар ҳам давом этмоқда.

<sup>1</sup> Муҳаммадюсуф Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий. ЎзР ФАШИ-1, № 9596. – В. 4<sup>б</sup>. Огаҳий 1295/1879 йили ҳам ҳаёт бўлган деб ҳисобланган адашиш ҳақида қ.: Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 53, ҳавола 302.

<sup>2</sup> Мунис ва Огаҳий қабрлари Субутой Долимов, Эркин Самандар ва Отаназар Пирназаровларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари натижасида Қиёт қишлоғидан топилган. Огаҳий уй-музейи ҳам шу қишлоқда жойлашган. Оғзаки маълумотга кўра Огаҳий томонидан экилган тут дарахти ҳам уй-музей ёнида ўсяпти. (Комил Аваз. Муҳаммадризо Огаҳий. Ҳаёти ва ижодига бир назар. – Тошкент, 2009. – Б. 50-51); Бобожон Тарроҳ – Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари // Нашрга тайёрловчи: А. Отамуродова, О. Абдурахимов. – Тошкент, 2011. – Б. 165, 1-ҳавола. Анвара Отамуродованинг оғзаки маълумотига кўра, Огаҳий иккита тут экан, шундан бири ўзига тобут учун ишлатилган. Шунингдек, мироблар ўрами билан дарғалар ўрами ўртасида қиз олиш ва бериш (никоҳлаш) бўлган. Огаҳий уй-музейидаги Огаҳий шажарасига Абдуқодир мироб (1832-1920)нинг Собир ўғлидан тарқалган авлодлари ҳам киритилган. Шажара ҳали ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

### III ОГАҲИЙНИНГ ТАРЖИМА МЕРОСИ

Огаҳий шеърлари у ҳаётлиги вақтидаёқ машҳур бўлган. Муҳаммад Раҳимхон II уни шеърятдаги устози, деб билган. Шоирлардан Муҳаммад Ёқубхўжа ибн Ҳожи Иброҳим Холис (ваф. 1287/1870) ва Паҳлавонниёз мирзабоши ибн Домулла Абдуллоҳ охунд Комил Хоразмий (ваф. 1316/1898) Огаҳийнинг шогирдларидир. Огаҳий девони Сайид Муҳаммадхон фармони билан ҳижрий 1288 йилдан (1872–1873) олдин тузилган эди. У 810 форсий ва 18 000 туркий мисрадан таркиб топган<sup>1</sup>. Девоннинг 10 қўлёзмаси ва 2 тошбосма нашри бор<sup>2</sup>. Девони дебчаси сўнгида Огаҳий туркий тилга таржималари рўйхати ва беш тарихий асари номини келтирган.

Огаҳий девони дебчасида бадиий ижодкорлик ва шоирлик истеъдоди ҳақида фикр юритиб, шеърини ижодга писандсиз қараган мутаасиб диндорларга қарата дейди:

<sup>1</sup> ОАТ. – Б. 74-124. Девоннинг илмий-танқидий матнини Фатхулла Ганихўжаев нашрга тайёрлаган. Докт. дисс.: “Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони ва унинг илмий-танқидий матни”. – Тошкент, 1998; “Таъвиз ул-ошиқин” асарининг табдили янги тадқиқотлар билан бойитилиб, қайта нашр қилинган: Огаҳий, Муҳаммад Ризо. Девон. 1-жилд: тўла асарлар тўплами / Муҳаммад Ризо Огаҳий; қайта нашрга тайёрловчилар: Д. Ғойипов, С. Сариев, Б. Умрзоқов. – Тошкент, 2014. – 560 б.

<sup>2</sup> ОАТ. – Б. 13-19. Рисолада “Таъвиз ул-ошиқин” асарининг ЎЗР ФАШИ-1 фондида № 7443 рақамда сақланадиган қўлёзмаси нусхасидан фойдаланилди. У Огаҳий дастхати билан ёзилганини тахмин қиляпмиз. Аммо ҳозирча текширувларимиз яқунланмади. Мазкур асар 1960 йил нашр қилинган. Китобда айрим диний ибораларнинг қисқартирилгани туфайли бевосита қўлёзмадан фойдаланишга қарор қилдик.

Девоннинг 10-нусхаси ҳақида батафсил қаранг: Халлиева Г. Огаҳий мусамматлари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2000. – 20-21 б. Халлиева Г. Огаҳий мусамматлари. Автореф. дис. ф.ф.н. – Тошкент, 2000. – Б. 8; Ишда девоннинг Хоразмда сақланаётган 10- нусхасидан фойдаланилган. Халлиева Г. Огаҳий мусамматлари. – Тошкент, 2019. – Б. 26-31.

و بعضی معاندلار رسول علیه السلامنى كیم قرآننى خلاق غه يتكورميش ايردى شعرا زمره سيدين حساب قيلماغاي لار بصيرت اهليغه معلوم بولسون كيم بو سوز شعر نينك مقامى رفعتى غه دليل قاطع و شاعر نينك مرتبه سى مناعتى غه حجت ساطع دور بو جهت دين اكثر مشايخ و اوليا و اتقيا و خلفا شعر آيتور غه اشتغال كور كوزوب دور لار بلكه حضرت رسالت پناه دين داغى نيچه حديث بى قصد نظم بيله واقع بولوب دور آنداق كيم من اكرم عالماً فقد اكرمني<sup>1</sup> و حق تعالى كلاميدا هم كوب جايدا وقوع تاپيب دور آنداق كيم والعاديات ضبحاً فالموريات قدحاً<sup>2</sup> بس شعر بير نعمت عظام دور كيم تنكري تعالى آنى هر كيشى كا عطا قيلماميش دور و آنى آيتماق هنرى هر كيم نينك قوليدىن كيلماميش دور و شعر شاعر نينك عزت و دولت نعمتين حاصل قيلماقغه سبب بلكه ايكي دنيا منزلتى سعادتىغه واصل بولماقغه باعث دور اللهم ارزقنا من نعمته العظما.<sup>3</sup>

“Ва баъзи муонидлар расул алайҳиссаломниким, Қуръонни халойиқға еткурмиш эрди, шуаро зумрасидин ҳисоб қилмағайлар. Басират аҳлиға маълум бўлсунким, бу сўз шеърнинг мақоми рифъатиға далили қоте ва шоирнинг мартабаси маноатиға ҳужжати сотедур. Бу жиҳатдин аксар машойих ва авлиё ва атқиё ва хулафо шеър айтурға иштиғол кўргузубдурлар. Балки ҳазрат

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон / И. Султон нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи: Суйима Ғаниева // Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 16-жилд. – Тошкент, 2000. – Б. 40, 9-ҳавола.

Кимеки бир олимни икром қилса, батаҳқиқ мени икром қилган бўлади (Ҳадиси шариф): Хоксор, Муҳаммад Ризобек. Алишер Навоий асарлари луғати. Мунтахаб ул-луғот \ Зубд ул-луғот [Матн] / М. Р. Хоксор. Масъул муҳаррир Ш. Сирожиддинов, нашрга тайёрловчилар: М. Исмоилов, А. Акбаров. – Тошкент, 2017. – Б. 241. Исломшунос Ҳ. Аминов маълумотиға кўра, бу ҳадис тўққизта саҳиҳ ҳадис тўпламларида учрамайди. У илк бор шиа олими Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Сабзаворийнинг "Жомеъ ал-ахбор" ёки "Маориж ал-яқин фи усул ад-дин" деб аталган ҳадис тўпламида келтирилади. Ҳадиснинг тўлиқ варианты: من اكرم عالماً فقد اكرمني و من اكرمني فقد اكرم الله ومن اكرم الله فمصيره الي الجنة

Мазкур Сабзаворий XIV милодий аср олими дейилади, аниқ туғилиб-ўсган йиллари номаълум. Қаранг: Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Сабзаворий. Жомеъ ал-ахбор ва Маориж ал-яқин. – Байрут, 1993. – Б. 111.

<sup>2</sup> (1) Ҳарсиллаб чопувчи отлар билан қасам, (2) Ўт чақнатиб чопувчи отлар билан қасам. Қуръон, “Одиёт” (Югургувчи) сураси, 1-2 оятлар: Ал-Қуръон Ал-Карим. Маъноларни таржима ва тафсир қилувчи Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий (Олтинхон Тўра). Ўзбек араб ёзувидан нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Тошкент, 2002. – Б. 667-668.

<sup>3</sup> Огаҳий, девон. – В. 9<sup>а</sup>.

рисолатпаноҳдин дағи неча ҳадиси беқасд назм била воқе бўлубдур, андоқким: “Ман акрама олиман фа-қад акрамани”. Ва Ҳақ таоло каломида ҳам кўб жойда вуқу топибдур, андоқким: “Ва-л-адиёт забҳан фа-л-муриёти қадҳан”. Бас, шеър бир неъматин узмодурким, Тангри таоло ани ҳар кишига ато қилмашидир ва ани айтмоқ ҳунари ҳар кимнинг қўлидин келмашидур. Ва шеър шоирнинг иззату давлат неъматин ҳосил қилмоқиға сабаб, балки икки дунё манзилати саодатиға восил бўлмақиға боисдур. Аллахумма арзуқана мин неъмат ул-уъзмо”.

Арминий Вамбери Хивага келиб, Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлигига эътибор қаратган илк тадқиқотчилардан биридир. У Хоразмда шеъриятга бўлган катта қизиқиш тўғрисида гапира туриб, шундай ёзади: “Хивада икки ака-ука билан танишдим. Бири Мунис, у ажойиб шеърлар ёзган. Ҳали улардан айримларини нашр қилдирмоқчиман. Иккинчиси Мироб, у сабр билан ўғли форс тилини билса-да, унинг учун Мирхонднинг катта тарихий асарини ўзбек туркийсига ўгирмоқда. Бу иш 20 йил давом этган. У қилган иши ҳақида бирон кимса олдида гапиришга уяларди. Бу ерда диний илмлардан бошқаси билан шуғулланиш юзаки, муҳим эмасдек ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Ушбу матн парчасидан Огаҳий Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асари таржимасига кўп йиллар сарфлагани ва бошқа таржимонларга ҳам бош-қош бўлгани маълум бўлаётир<sup>2</sup>. Огаҳий форс тилидан ўн саккизта ва усмоний туркчасидан битта асар таржима қилган<sup>3</sup>. Ю. Брегель таржима қилинган асарларни йиллар бўйича жойлаштиришга уринганди<sup>4</sup>. Н. Тошев бу хронологияни шоир ўз девонида кетма-кетликда берганлигини аниқлаган<sup>5</sup>. Адибнинг таржимонлик фаолиятининг барча қирраларини қамраб олиш осон иш эмас. Шунинг учун, қуйида асар номларининг девондаги кетма-кетлиги, қайси хон буюртма

<sup>1</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 2003. – С. 255. Китобнинг 2003 йилги таржимаси немис тилидаги аслидан ўгирилган.

<sup>2</sup> Назирова Ҳ. Вамбери Огаҳий билан учрашганми? // Хоразм Маъмун академияси. – Хива, 2012. № 3. – Б. 20-21, 17-ҳавола.

<sup>3</sup> Огаҳийнинг таржимонлик фаолияти ҳақидаги адабиётлар рўйхати (ОАТ. – Б. 34).

<sup>4</sup> Мунис-Огаҳий, таржима – Р. xxiii.

<sup>5</sup> Agahi, Jami al-vaqi’at-i sultani. – С. xiv.

бергани, уларнинг қўлёзма нусхалари ва қаерда сақланиши ҳақида маълумот келтириш билан чекландик:

1) “Равзат ус-сафо”, Мирхонд Муҳаммад ибн Ховандшоҳнинг (1433–1498) тарихий асари, 7 жилддан ташкил топган<sup>1</sup>. Огаҳий Муҳаммадаминхон фармони билан асарнинг иккинчи жилд иккинчи қисми ва учинчи жилдни таржима қилган<sup>2</sup>.

Иккинчи жилднинг 3 нусхаси ЎЗР ФАШИ ва биттаси Россия миллий кутубхонаси (РМК)<sup>3</sup> ва учинчи жилднинг 4 нусхаси ЎЗР ФАШИ фондларида сақланади<sup>4</sup>.

2) “Нодирнома”, Муҳаммад Маҳдий Астрободий ибн Муҳаммад Носирнинг (1736–1747) “Дуррайи нодира”<sup>1</sup> асаридир.

<sup>1</sup> Бу асар таржимасини Шермуҳаммад Мунис бошлаган эди. Вафоти туфайли таржима тугалланмай қолганди. Огаҳий учта тарихий асарини ёзиб тугатгач, хон ушбу асарни таржима қилишга буюради. Учинчи жилд таржимаси Муҳаммадаминхон буйруғи билан Огаҳий форсий шеърларни асл ҳолида қолдиради (ЎЗР ФАШИ-1, № 7414. – В. 1<sup>б</sup>; № 1812. – В. 2<sup>а</sup>; ЎЗР ФАШИ-3, № 1500. – В. 1<sup>б</sup>) Огаҳий умрининг охиригача ушбу асар таржималарининг барча жилдларига *масъул муҳаррир* сифатида бош бўлди. Россия миллий кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида № ТНС-14 (1 ва 2 жилд) рақамида сақланаётган йирик қўлёзма нусхасини кўздан кечирдик. Унда Мунис ва Огаҳийдан ташқари, Муҳаммадюсуф Рожийнинг таржимаси ҳам қайд этилган.

Қуйидаги асарларда ҳам бу мавзуга оид қўшимча маълумотлар берилган: Стори Ч.А. Персидская литература: Био-библиографический обзор // Перевел с английского, переработал и дополнил Ю.Э. Брегель, в 3-х частях. – Москва, 1972. – Т. 1. – С. 374-375; Смирнов В. Д. Описание коллекции восточных рукописей // Отчет Императорской Публичной библиотеки за 1874 год. – СПб., 1875. – С. 74-75. (Бундан кейин, Смирнов). Асарнинг форс тилидаги қўлёзмаси ҳам шу мақолада қайд қилинган (№ ПНС-4). Смирнов. – С. 73. Ушбу қўлёзма матни (№ ПНС-4) ТНС-14 ашё рақамли таржима учун матн бўлиб хизмат қилгани эҳтимоли кучли.

<sup>2</sup> Agahī, Jamī’ al-vaqī’at-i sultani. – С. хі, 91, 92, 93, 94, 95-ҳаволалар.

<sup>3</sup> ЎЗР ФАШИ-1, № 7307; Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. – Ташкент, 1964 – Т. VII, № 5002 (Бундан кейин СВР); Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История // Составители: Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. – Ташкент, 1998. № 162 (Бундан кейин, СВР. История); ЎЗР ФАШИ-3, № 908/І, 1515/ІІ; Каталог фонда Института рукописей. – Ташкент, 1989. – Т. I. № 962-963 (Бундан кейин, КФИР); РМК, № ТНС-27; ОАТ, № 34-37.

<sup>4</sup> ЎЗР ФАШИ-1, № 1812, 7414; СВР. История, № 159, 166; ЎЗР ФАШИ-3, № 908/ІІ, 1500; КФИР, № 964-965; ОАТ, № 38-41.

Муҳаммадназар хижрий 1266 (1850) йили Муҳаммадаминхон буйруғи билан таржимага киришади ва уни Огаҳий якунига етказди. Қўлёманинг 2 нусхаси бор<sup>2</sup>.

3) “Зафарнома”, Шарафиддин Али Яздий (XV) асари, деб тахмин қилинади. Қўлёмалари топилмаган.

4) “Зубдатул-ҳикоёт”, Муҳаммад Вориснинг (XVII) ахлоқий ҳикоялари таржимаси. Сайид Муҳаммадхон фармонига биноан таржима қилинган (ЎЗР ФАШИ-1, №1274. – В. 3<sup>a</sup>), санаси кўрсатилмаган, 2 нусхаси бор<sup>3</sup>.

5) “Мифтоҳ ут-толибин”, Жони Маҳмуд шайх Али ибн Имомиддин ал-Ғиждувоний (XVI) асари, 1543 йилда ёзилган. Огаҳий касал бўлишига қарамай, Сайид Муҳаммадхон буйруғи билан 1859 йили 44 кунда таржима қилган, ягона нусхада сақланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Тошев Н. Огаҳийга нисбат берилувчи таржималар: Тарихи жаҳонгушойи Нодирий // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – № 6. – Б. 30-32.

<sup>2</sup> Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёмалари институти (РФА ШҚИ), № D 125; Дмитриева Л. В., Мугинов А. М., Муратов С. Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. – Москва, 1965. – Т. I. - № 157 (Бундан кейин, ОТР, I); ОАТ, № 42; Дмитриева Л. В. Каталог тюркских рукописей Института востоковедения Российской академии наук. – Москва, 2002. № 123 (Бундан кейин, Дмитриева); Огаҳийнинг таржимаси қўлёманинг 67<sup>a</sup> саҳифасида бошланади. № D 125 рақамли қўлёматавсифида асарнинг номи ва кўчирилган жойи нотўғри берилган (Стори Ч.А. Персидская литература: Био-библиографический обзор // Перевел с английского, переработал и дополнил Ю.Э. Брегель, в 3-х частях. – Москва, 1972. – Т. 2. – С. 913); Мунис-Огаҳий, таржима. – р. ххiii, 95-ҳавола). Россия миллий кутубхонаси Шарқ қўлёмалари бўлими (РМК), № ТНС-23; ОАТ, № 43; Смирнов. – С. 91-92.

Қўлёматавсифида китоб номини «Надидъ-намэ», деб нотўғри ёзилган. Бу қўлёматавсифида турли хаттотлар томонидан кўчирилган, 265<sup>a</sup> саҳифадан Огаҳийнинг дастхати бошланади. Икки қўлёматавсифида ўхшаш кодикологик хусусиятлар бор. Уларда қоғозлар ҳар хиллиги ва турли котиблар дастхатлари таржима нусхаларининг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

<sup>3</sup> ЎЗР ФАШИ-1, № 1274/I; СВР, I, № 89; ОАТ, № 69. Худди шу фонддаги № 12229 рақамли қўлёматавсифида т.ф.н. Н. Тошев томонидан Огаҳий таржимаси (163<sup>b</sup>-202<sup>a</sup> в.) аниқланди. Тавсифдаги ноқисликлар ҳақида қаранг: Agahi, Jami' al-vaqi'at-i sultani. – С. xii, 101-ҳавола.

<sup>4</sup> ЎЗР ФАШИ-1, № 8473; ОАТ, № 47; Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди. Фил.ф.н. диссертация. – Тошкент, 1962. – Б. 34. Асарнинг тўлиқ таъбири Э. Миркомиллов томонидан амалга оширилган. Муҳаммад Ризо

6) “Ахлоқи Муҳсиний”, Ҳусайн ибн Али Воъиз ал-Кошифий (ваф. 1504) асари, ахлоқ масалаларига бағишланган. Сайид Муҳаммадхон буйруғига кўра, 1858–1859 йилларда таржима қилинган, учта нусхаси бор<sup>1</sup>.

7) “Бадоиъ ул-вақоеъ”, Зайниддин Маҳмуд ибн Абдужамил Восифий (1485–1551) асарининг Огаҳий томонидан Ўрта Осиё туркийсидаги таржима қилинган ягона нусхаси. У Муҳаммад Раҳимхон II фармони ила таржима қилинган. Нодир нусха, ЎзР ФАШИ-3 фондида сақланади<sup>2</sup>.

8) “Насихатномаи Кайкавус” (“Қобуснома”), Кайкавус ибн Искандар бинни Қобус Вушмагирнинг (1021–1087) ахлоқий-дидактик асари. Таржима шаҳзода Муҳаммад Раҳим II тавсиясига биноан амалга оширилган. Қўллёзманинг 3 та нусхаси мавжуд<sup>3</sup>.

Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 10-жилд. Мифтоҳу-т-толибин (Толиблар калити). Табдил, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Эркин Миркомиллов. – Тошкент, 2019. – 316 б.

<sup>1</sup> ЎзР ФАШИ-1, № 1597/1 (СВР, Т. III, 1955. – № 2044), 8446; ОАТ, № 48,51; РФА ШҚИ, № С 1773; Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. – Москва, 1980. – Т. III. – С. 124; ОАТ, № 49. Огаҳийга хато нисбат берилган таржималар ҳақида қаранг: *Agahî, Jamî' al-vaqî'at-i sultani*. – С. XV, 103-ҳавола.

Янги табдили: Муҳаммад Ризо Эрنيёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 8-жилд. Ахлоку-л-муҳсинийн. Нашрга тайёрловчилар: М. Сафарбоев, С. Раҳимов, А. Ўрозбоев. – Тошкент, 2019. – 320 б.

<sup>2</sup>ЎзР ФАШИ-3, № 2628. Бу нусхани 1980 йили ф.ф.д. Ф. Ғанихўжаев Хоразмда топган; Ғаниходжаев Ф.А. Узбекский перевод “Бадаи ал-вакаи” Зайнаддина Васифи // Памятники культуры. Новые открытия. Ежегодник. – Ленинград, 1985. – С. 67-69; Ғанихўжаев Ф. Топилмалар // Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон (Огаҳий ҳақида мақолалар). – Тошкент, 1999. – Б. 146-147; КФИР, № 972; ОАТ, № 46; *Agahî, Jamî' al-vaqî'at-i sultani*. – С. XV, 104-ҳавола. Дастлаб, бу асарни шоир “Диловар” Ҳуббукулихўжа таржима қилган (Зайн ад-Дйн Вāсифй. Бадай ‘ал-вакай‘. Критический текст, введение и указатели А.Н.Болдырева. В 2 томах.– Москва, 1961. – Т. I. – С. 11-13, 26-35).

А. Болдырев ушбу асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаган. У Огаҳий мазкур асарни Диловардан сўнг таржима қилмаган, қилган ишлари сонини бировнинг меҳнати ҳисобига кўпайтирган, деган фикрни илгари суради (Ўша асар. – С. 29).

<sup>3</sup> ЎзР ФАШИ-1, № 1274/ II, 7577/II рақамли қўллёзмалар тавсифи; ОАТ, № 70, 71. Н. Тошев худди шу фондда № 12229/III рақамли нусха (202<sup>б</sup>-283<sup>б</sup>) борлигини ҳам аниқлаган.

9) “Саломон ва Абсол”, Абдурахмон Жомий (1414–1492) қаламига мансуб асар. Қўлёзмалари номаълум.

10) “Тулистон”, Саъдий Шерозийнинг (1210–1292) дунёга машхур асарларидан бири. Асар таржимаси шаҳзода Муҳаммад Раҳим II буюртмаси ила амалга оширилган. Асарнинг 4 та қўлёзмаси сақланган<sup>1</sup>.

11) “Баҳористон”, Абдурахмон Жомийнинг юқоридаги асари каби таржима қўлёзмалари ҳали фанга маълум эмас.

12) “Равзат ус-сафойи Носирӣ”нинг учинчи жилди, Ризоқулихон Ҳидоят (ваф. 1871) асари. Хива хони Сайид Муҳаммадхон буйруғи ила асар 1860–1861 йилларда таржима қилинган. Таржиманинг ягона нусхаси Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади<sup>2</sup>.

13) “Далойил ул-хайрот” (шарҳи), бу асарни XV асрда мусулмон ақоидшуносларидан Абдулла Муҳаммад ибн ал-Жузулий (1465 ваф.) араб тилида ёзган. Фасиҳ ал-Қасрий усмонли турк тилида шарҳлаган. Ягона нусхада сақланган матн усмонли туркчасидан Ўрта Осиё туркийсига Сайид Муҳаммадхон топшириғига биноан ўгирилган<sup>3</sup>. Таржима санаси номаълум<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> ЎЗР ФАШИ-1, № 899, № 7768, № 9983/I; (СВР. Т. VII – Ташкент, 1964. – № 5321-5322; ОАТ, № 55-57; Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Философия. Т. 1. – Ташкент, 2017. - № 743, 744, 746). Худди шу фондда сақланадиган 11462 рақамли қўлёзма Фалсафа каталогига қайд этилди, унеча бу нусха маълум эмас эди: Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Философия. Т. 1. – Ташкент, 2017. - № 745.

Огаҳий асарлар тўпламида А. Ўрозбоев томонидан асар табдил қилинди: Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 9-жилд. Гулистон. Ҳафт Пайкар. Нашрга тайёрловчи А. Ўрозбоев. – Тошкент, 2019. – Б. 13-156.

<sup>2</sup> РФА ШҚИ, № D 119 (ОТР, I, № 158; ОАТ, № 53); Дмитриева, № 124. Қўлёзма нусхасида таржимон исми қайд этилмаган. Аммо Огаҳий асарнинг биринчи ва иккинчи жилд таржималарида қатнашгани эҳтимолдан ҳоли эмас. РМК, № ТНС-21 нусхада ушбу асарнинг икки жилди ҳам бор (Смирнов. – С. 79-80). Бу қўлёзманинг 239<sup>а</sup> – 254<sup>б</sup>, 256<sup>а</sup> – 314<sup>а</sup>, 519<sup>а</sup>– 676<sup>а</sup>, 768<sup>а</sup>– 844<sup>б</sup> саҳифа матнлари Огаҳий дастхатидир.

<sup>3</sup> Россия Миллий кутубхонаси № ТНС-3.– В. 4<sup>а</sup>.

<sup>4</sup> Смирнов. – С. 77; Ф. Ғанихўжаев қўлёзманинг кўчирилиш вақтини (1287/1870-1871) адашиб, таржима санаси, деб беради (ОАТ, № 68). Бу хато, Огаҳий қўлёзманинг бошида (РМК, № ТНС-3. – В.3<sup>а-б</sup>) асарни Сайид Муҳаммадхон буйруғига биноан таржима қилганини ёзади ва колофонда Сайид Муҳаммад Раҳимхон номини қайд этади (РМК, № ТНС-3. – В. 515<sup>а-б</sup>).

14) “Тазкирайи Муқимхоний”, Муҳаммад Юсуф мунши (XVII) асари, Сайид Муҳаммадхон фармони билан 1860–1861 йилларда ўзбекчага ўгирилган<sup>1</sup>. Ягона нусхаси Россия миллий кутубхонасида сақланади. А.А. Семенов бу асарни рус тилига таржима қилаётганда Хоразмдаги таржима ҳақида билмаган<sup>2</sup>. Хоразм нусхасидаги баъзи маълумотлар форсийларида йўқ.

15) “Табақоти Акбаршоҳий”, Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Муқим Ҳиравий (1549-94) асари, 1592-1593 йили ёзилган. Сайид Муҳаммадхон буйруғи билан таржима қилинган. Қўлёзма ягона нусхада,<sup>3</sup> колофонда Огаҳий таржимани Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлиги даврида бошлагани ҳақида сатрлар бор. Лекин тез орада хон вафот этади ва таржима тугалланмай қолади. Муҳаммад Раҳимхон II тахтга келгач, таржимани охирига етказишни буюради<sup>4</sup> ва иш тахминан, 1864 йилда якунланади.

16) “Ҳафт пайкар”, Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф Низомий Ганжавийнинг (1141-1209) “Хамса” асаридаги тўртинчи дoston, таржима ягона нусхада сақланади. Насрий таржима Муҳаммад Раҳимхон сонийга бағишланган, иш унинг фармони билан бажарилган. Таржима санаси қайд қилинмаган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Россия миллий кутубхонаси, № ТНС-105. Огаҳий дастхати билан ёзилган (ОАТ, № 54) қўлёзмада, у хондан буюртма олгани ва таржима қилишга шoшганини таъкидлайди (ТНС-105. – В. 3<sup>a-6</sup>). Ушбу қўлёзма Огаҳийнинг таржимаси бўлиши мумкин (Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 10, 80-ҳавола). Стори Ч.А. каталогида бу асар муаллифи номаълум, деб берилган (Стори Ч.А. Персидская литература: Био-библиографический обзор // Перевел с английского, переработал и дополнил Ю.Э. Брегель, в 3-х частях. – Москва, 1972. – Т. 2. – С. 1148); Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. ххiii, 94-ҳавола.

<sup>2</sup>Муҳаммед Юсуф Мунши. Муқим-ханская история. Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. Предисловие. – Ташкент, 1956. – С. 5-27.

<sup>3</sup>РМК, № ТНС-106 (ОАТ, № 58).

<sup>4</sup>РМК, № ТНС-106. – В. 563<sup>a-6</sup>.

<sup>5</sup> ЎЗР ФАШИ-1, № 7695 (СВР, V, № 3605; ОАТ, № 72). “Ҳафт пайкар” асари таржима нусхаси каталог тавсифларида берилганидек эмас, матнлар фақат 1<sup>6</sup>-163<sup>6</sup> варақларда жойлашган (Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani. – p. XIV, 112-ҳавола). Ёш тадқиқотчи М. Қаландаровнинг турк тилида худди шу қўлёзмага бағишланган мақоласи эълон қилинган. Тадқиқотчи каталог тавсифларидаги хатони такрорлаган (Kalandarov M. Manzum eseri düz yaziya aktarmada “Haft Peyker” örneği. Example of “Haft Peyker” for transferring verse text into prose // Gazi Türkiyat, Güz 2012/11. – S. 69. <http://turkiyat.gazi.edu.tr/posts/download?id=44233>

17) “Ҳашт беҳишт”, Хусрав Дехлавий (1253-1325) асари<sup>1</sup>.

18) “Юсуф ва Зулайҳо”, Абдурахмон Жомий достони. Муҳаммад Раҳимхон соний буйруғига кўра, ҳижрий 1285 йили шаъбон ойида (1868 йил, ноябрь-декабрь) таржима қилинган (РМК, № ТНС-117. – В. 8<sup>б</sup>, 9<sup>а</sup>). Асарнинг 7 қўлёзмаси бор<sup>2</sup>.

19) “Шоҳ ва гадо”, Бадриддин Ҳилолий (1470-1529) асари, Муҳаммад Раҳимхон соний фармони билан таржима қилинган (РМК, № ТНС-91. – В. 133<sup>а-б</sup>). Таржиманинг иккита қўлёзма нусхаси сақланган<sup>3</sup>.

\* \* \*

Ўзбек ижодкорлари орасида, айниқса, таржимачилик соҳасида ҳозиргача Муҳаммадризо Огаҳий билан тенглаша оладиган бирор ижодкор йўқдир.

Асарнинг янги наشري Огаҳий асарлар тўпламининг 9-жилдида жой олди: Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 9-жилд. Гулистон. Ҳафт Пайкар. Субутой Долимов наشري асосида қайта нашрга тайёрловчи А. Ўрозбоев. – Тошкент, 2019. – Б. 157-262.

<sup>1</sup> Ж. Шарипов Огаҳийнинг бизгача етиб келмаган 4 та таржима асарини эҳтиётсизлик билан, етиб келган асарлар орасида кўрсатади (Ўзбекистонда таржима тарихидан. Революциядан олдинги давр. – Тошкент, 1965.– Б. 108-109).

<sup>2</sup>РМК, № ТНС-117; ЎЗР ФАШИ-1, № 1231, 6728, 7787 (СВР, VII, № 5052-5054); 809/І, 9576/І, 9983/ІІ (ОАТ, № 62-67); РМК, № ТНС-117, матн охири Тошкент нусхалари билан бир хилдир. Бироқ Ф. Ғанихўжаев каталогига “Юсуф ва Зулайҳо” асарининг Тошкент нусхаларида охириги *байт* йўқ деб маълумот берган (ОАТ, № 61). № ТНС-117 нусха бошида Тошкент қўлёзмаларида учрамайдиган *байт* бор. Асар сўнггида “Лу” (илон, аждар) йили қайд этилган. Аммо мазкур сана Тошкент нусхаларида “бу” шаклида кўчирилган ва “бу йил” маъноси англашилиб қолган (№ ТНС-117. – В. 114<sup>б</sup>; ЎЗР ФАШИ-1, № 1231. – В. 144<sup>а</sup>; № 6728. – В. 143<sup>б</sup>; № 7787. – В. 143<sup>б</sup>; № 809/І. – В. 145<sup>б</sup>; № 9576/І. – В. 144<sup>б</sup>).

<sup>3</sup> ЎЗР ФАШИ-1, № 809/ІІ (ОАТ, № 60); РМК, № ТНС-91 (ОАТ, № 59). № ТНС-91 қўлёзма тавсифида Ф. Ғанихўжаев асар кўчирилган йил (1282/1865) билан таржима санасини чалкаштирган. Бошқа маълумотларга кўра, таржима ҳижрий 1285 йили (1868-1869) амалга оширилган (Ғ. Каримов, С. Долимов. Муҳаммад Ризо Огаҳий // Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов; масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1971. – Б. 28). Тошкент нусхасида таржима санаси берилмаган.

## IV ОГАҲИЙНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ

Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг тарихнавислик ижодий йўлини тадқиқ этишдан олдин, тарихий асарлари ва қўлёзмаларига оид маълумотларга тўхталамиз:

1. “Фирдавс ул-икбол” (Бахт-саодат боғи), Шермуҳаммад Мунис бу асарни бошлаган ва Муҳаммадризо Огаҳий якунлаган. У катта амакисига ҳурмати юзасидан уни ўз рўйхатига қўшмайди. Бу асар қўнғиротлар сулоласи ҳақидаги дастлабки тарихий китобдир, муқаддима, бешта боб ва хотимадан ташкил топиши керак эди. Асарда қадим замонлардан 1825 йилгача Хоразмда содир бўлган афсонавий ва тарихий воқеалар ҳикоя қилинади. Мунис бу асарида амир ал-умаро Эшмуҳаммадбий (1128–1152/1716–1740)<sup>1</sup>, Муҳаммадамин иноқ (1175–1205/1762–1791) даврлари ва Элтузархон (1219–1221/1804–1806) ҳукмронлиги йилларини ёритади. У Муҳаммад Раҳимхон I (1221–1240/1806–1825) даврининг еттинчи йили, ҳижрий 1227 йили сафар ойининг 7-кунига (1812йил, 5 март)<sup>2</sup> етганда ёзишдан тўхтади. Бу пайтда кутилмаганда Муҳаммад Раҳимхон I “Равзат ус-сафо” асарини таржима қилишга фармон берганди. Шу тариқа “Фирдавс ул-икбол” асари саҳифалари чала ҳолида ёпилганди<sup>3</sup>. Мунис вафотидан (1244/1828-1829) 11 йил кейин ҳижрий 1255 санада (1839-1840) Аллоҳқулихон асарни охирига етказишни Муҳаммадризога топширади. Огаҳий 1228 йилнинг муҳаррам ойи воқеаларидан бошлаб (1813 йил, 4 январь – 2 февраль) асарни ёзишга киришади<sup>4</sup>, тарихий воқеаларни хронологик тартибда беришга ҳаракат қилади. Матнда Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлиги баёни ҳижрий йилнинг муҳаррам ойидан бошланади. У асар воқеаларини 1825 йилгача етказди. Огаҳий Мунис

<sup>1</sup> Фирдавс ул-икбол, табдил. – Б. 233; Мунис-Огаҳий, таржима. – Р. 65, 96. 360-ҳавола; – Р. 577-578.

<sup>2</sup> Фирдавс ул-икбол, табдил. – Б. 7, 34-ҳавола; – Б. 403.

<sup>3</sup> Мунис “Равзат ус-сафо” таржимаси муқаддимасида ҳижрий 1234 йили шаввол ойининг 13-куни (1819 йил, 5 август) шу ишга киришганини ёзган (Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani. – С. ii-iii).

<sup>4</sup> Фирдавс ул-икбол, табдил. – Б. 399.

қораламасини (бу паришон авроқ<sup>1</sup> – тарқоқ варақлар) 20 йилдан кейин қайта тартибга келтиради ва ҳижрий 1258 йили (1842) асарни ёзиб тугатади. “Фирдавс ул-иқбол” солномаси Огаҳий асарлари орасида энг кўп нусхада сақланиб қолганидир. Унинг 11 нусхаси бор<sup>2</sup>. Асар 3 марта ўзбек кирилл алифбосига тўлиқ<sup>3</sup> ва

<sup>1</sup> Фирдавс ул-иқбол, табдил. – Б. 397; Мунис-Огаҳий, матн. – Р. 14, 108-ҳавола.

РФА ШҚИ, № С-571 (ОТР, I № 97. – С. 106; ОАТ, № 10. – Б. 21); <sup>2</sup> Муниров. – Б. 37; Дмитриева, № 61. – С. 41, 42. Шу каталогда, асар қўлёзмаси қайси тадқиқотларда келтирилгани ҳақида маълумот бор. № Е-6/1 (ОТР, I, № 98. – С. 107, 108; ОАТ, № 11. – Б. 22); Бир нусха Истанбул университетининг нодир қўлёзмалар кутубхонасида сақланади (TY00082/I, نجيب عاصم، "فردوس الاقبال" / تورک درنکی، صایبی۲، استنبول، ۱۳۲۷ھ، ص ۶۸ - ۷۱؛ صایبی۳، ص ۸۵-۸۱؛ میان بۇزرۇک، ئوزبیک تهنریخدگه عائید تورت مؤهم کیتاب/مه عارف و ئوقوتغۇچی. تاشکەنت، ۱۹۲۷، سان ۹-۱۰، ب ۵۷-۶۱.

[http://katalog.istanbul.edu.tr/client/en\\_US/defaulteng/search/detailnonmodal/ent:\\$002f\\$002fSD\\_ILS\\$002f0\\$002fSD\\_ILS:791760/one?qu=TY00082](http://katalog.istanbul.edu.tr/client/en_US/defaulteng/search/detailnonmodal/ent:$002f$002fSD_ILS$002f0$002fSD_ILS:791760/one?qu=TY00082)

Бундан кейин, Туркия, фонд; Финландия пойтахти Хелсинки шаҳридаги “Шарқ қўлёзмалари коллекциясида” яна бир нусха бор (НУК or. 46 (Halèn Н. Handbook of oriental collections in Finland: manuscripts, xylographs, inscriptions, and Russian minority literature. London–Malmö, 1978. № 348. – Р. 100); ЎЗР ФАШИ-1, № 5071 (СВР, VII, № 5021. – Б. 34-35; СВР. История, № 533. – С. 192); № 7422 (СВР. История, № 534. – С. 192); № 9979/1 (ОАТ, № 15. – Б. 23; СВР. История, № 532. – С. 192); № 821/1 (СВР, I, № 211. – С. 83; ОАТ, № 12. – Б. 22; СВР. История, № 530. – С. 191; Муниров. – Б. 37, 177); № 5364/1 (СВР, VII, № 5020. – С. 33; ОАТ, № 13. – Б. 22; СВР. История, № 531. – С. 191-192; Муниров. – Б. 36, 177). ЎЗР ФАШИ-3 фонди, № 1495 (КФИР, I, № 975. – С. 300). Каталогда хато тавсифланган. “Фирдавс ул-иқбол” асари ўрнига Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асари ёзилган. № 974 тавсифдаги яна бир асар қўлёзмасида ҳам “то же” қайди бор; № 275/1 (ОАТ, № 14. – Б. 23; КФИР, I, № 974. – С. 299).

<sup>3</sup>Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол // Табдил, кириш ва изоҳ муаллифлари Ш.Воҳидов, И.Бекчанов, Н.Полвонов. – Тошкент, 2010. – 520 б; Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол/ Нашрга тайёрловчилар Н.Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. – Тошкент, 2010. – 382 б; Шермуҳаммад Авазбий мироб ўғли Мунис, Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 2-жилд, 1-китоб. Фирдавсу-л-иқбол // Нашрга тайёрловчи, кириш ва изоҳлар муаллифлари И.Бекчанов, Н.Полвонов. – Тошкент, 2019. – 402 б; Шермуҳаммад Авазбий мироб ўғли Мунис, Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар 2-жилд, 2-китоб. Фирдавсу-л-иқбол // Нашрга тайёрловчи, кириш ва изоҳлар муаллифлари И.Бекчанов, Н.Полвонов. – Тошкент, 2020. – 424 б;

Огаҳий қисмигача усмонли турк алифбосига<sup>1</sup> ўгирилиб, чоп қилинган. Ю. Брегель асарнинг илмий-танқидий матни ва инглизча таржимасини нашрга тайёрлаган. Иш жараёнида Тошкент нусхаларидан ташқари, яна 4 нусхасини тадқиқотга жалб қилган. Мунис ва Огаҳийнинг Санкт-Петербургдаги С-571 қоралама дастхат ва Е-6 рақамдаги ҳамда бошқа нусхалар орасида яна бир қўлёзма – протограф бўлиши керак, деган хулосага келади. Чунки С-571 ва Е-6 нусхалар орасида тавофутлар бор эди. Бу ҳолат Е-6 нусха Огаҳийнинг бошқа қўлёзмасидан кўчирилганидан далолат берарди. Тошкент нусхаларини қиёсий тадқиқ қилганимизда, Ю.Брегель назарда тутган бу нусха ЎзР ФАШИ-1 фондида № 5071 рақамида сақланаётган қўлёзма бўлиши мумкинлиги аниқланди. Қуйидаги далиллар шунга ишора қилади: 1. С-571 билан Е-6 ўртасидаги матн тафовутлари мазкур 5071 нусхага киритилган. 2. 5071 қўлёзма матни Е-6 нусхада деярли тўлиқ такрорланади. 3. Ўрганишлар натижалари 5071 қўлёзма Огаҳий дастхати нусхаси бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ундаги матн Огаҳийнинг бошқа дастхат қўлёзмалари билан айнан ўхшашдир<sup>2</sup>.

2. “Риёз уд-давла” (Давлат боғлари) Аллоҳқулихон (1240–1258/1825–1842) ҳукмдорлигига бағишланган, 6 нусхаси бор<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Munis Ҳʻārezmī. Firdevsüʻl-iqbāl. I metin. Hazırlayan Doç. Dr. Mustafa TANÇ. – Kayseri, 2011. – 230 S.

<sup>2</sup> Назирова Ҳ. “Фирдавс ал-иқбол” асарининг Тошкент қўлёзмалари // Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатлари ҳамкорлиги: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2014. – Б. 139-141; Назирова Ҳ. “Фирдавс ал-иқбол” асарининг протографи ёхуд Огаҳийнинг янги дастхати // “Огаҳий ҳаёти ва ижоди – ёшлар тарбияси учун намуна” республика илмий-амалий конференция мақолалари тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 18-22.

<sup>3</sup> РФА ШҚИ, № D-123 (ОТР, I, № 100. – С. 110; ОАТ, № 16. – Б. 24; Дмитриева, № 63. – С. 42-43; Муниров. – Б. 47) ва № Е-6/III (ОТР, I, № 101. – С. 111; ОАТ, № 17. – Б. 24; Дмитриева, № 64. – С. 43; Муниров. – Б. 47); Туркия, фонд. Қўлёзма ТҮ00082/II

مييان بۇزرۇك، ئوزبېك تەئرىخىدگە عائىد تورت مۇهم كىتاب/مه عارف و ئوقوتغۇچى. تاشكەنت، 1927، سان 9-10، ب 57-61؛

[http://katalog.istanbul.edu.tr/client/en\\_US/defaulteng/search/detailnonmodal/](http://katalog.istanbul.edu.tr/client/en_US/defaulteng/search/detailnonmodal/); ЎзР ФАШИ-1, № 821/II (СВР, I, № 212. – С. 84; ОАТ, № 18. – Б. 25; СВР. История, № 549. – С. 198; Муниров. – Б. 46) ва № 5364/II (СВР, VII, № 5022. – С. 35; ОАТ, № 20. – Б. 25; СВР. История, № 550. – С. 199; Муниров.

Асар бўйича сиёсий воқеалар тадқиқоти<sup>1</sup>, филологик таҳлили<sup>2</sup>, қисман<sup>3</sup> ва тўлиқ<sup>4</sup> ўзбек кирилл алифбосига табдили амалга оширилган.

Хонга биринчи солнома “Фирдавс ул-иқбол” тақдим қилинган, у Огаҳийга ўз ҳукмронлиги даврига бағишлаб асар ёзишни буюради<sup>5</sup>. Китоб 1242/1827 воқеалар баёнига келганида Аллоҳқулихон вафот этади. Раҳимқулихон асарни яқунлаш ва кейинги китобни ёзишга фармон беради. Бу топшириқ 1844 йилда тўлиқ бажарилади.

